

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Андижон давлат университети

Тарих ва ижтимоий фанлар факультети
Умумий тарих кафедраси

5120300 – “Тарих” (мамлакатлар ва минтақалар бўйича)
таълим йўналиши 2 – курс талабалари учун

“Евросиё тарихи” фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Андижон - 2013

1-Мавзу: Евросиё тарихи предметининг мақсад ва вазифалари.

РЕЖА:

1. ССЖИ тарихига оид адабиётлар тавсифи.
2. Фуқаролар уруши ва чет эл интервенциясига қарши кураш даврида ички партиявий зиддиятлар.
3. Шўро тоталитар давлатининг шаклланиши.

Адабиётлар.

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.. 1998 й.
2. Совет жамияти тарихи саҳифалари. Фактлар. Муаммолар. Одамлар. Т., 1991 й.
3. Левитин Леонид. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Т., 2001 й.
4. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Т 2. Т.. 2000 й.
5. Урок дает история. М., 1989 г.
6. Возвращение к правде. В 2-выпусках. М., 1988 г.
7. Новейшая история стран Европы и Америки. XX век. 1900-1945 гг. М., 2001 г.
8. История России . М., 2002 г.
9. История России. XX век. М., 2001 г.
10. Открывая новые страницы. М., 1989 г.
11. Боров Ю. Сталиниада. М.. 1991 г.
12. Волобуев О., Кулешов С. История и перестройка. М.. 1989 г.
13. Рабинович А. Большевики приходят к власти. М.. 1990 г.
14. Троцкий Л.Д. К истории русской революции. М.. 1990 г.
15. Всемирная история новейшего времени. М.. 1998 г.
16. Кредер А.А. Курс лекций по новейшей истории. М.. 2004 г.
17. Дипломатический словарь. В 3-х томах. М.. 1985-1986 гг.

Сўнгги йилларда, коммунистик тузум емирилиб, СССР таркибидан мустақил бўлиб чиққан, эндиликда ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлган халқлар тарихига, уларнинг социалистик ўтмишига оид кўплаб адабиётлар нашр юзини кўрди. Советларнинг ошкоралик борасидаги сиёсати тарихнинг кам ўрганилган ёки умуман етти эшик ортидаги саҳифаларини, «оқ» доғларини очиқ-ойдин баён қилишга имкон яратди. Бу ҳақда шу қадар кўп ёзилди-ки, эълон қилинган маълумотларнинг ўзи ҳам таснифга муҳтож бўлиб қолди. Биз «пролетариат диктатураси ғоясидан битта партия диктатурасига ундан ялпи давлат террори билан қўллаб - қувватланадиган партия етакчиси диктатурасига» (Г.Плеханов) қараб борган, большевистик кўринишдаги совет ҳокимиятининг, унинг тоталитар моҳиятини ўрганиб чиқамиз.

Ҳокимият тепасига келган пайдан бошлаб ўзи ҳукм сурган деярли бутун давр мобайнида Советлар давлати тоталитар режим бўлиб қолаверди. Тоталитар (французча) давлат-бу жамият ҳаётининг барча соҳалари устидан давлат назорати ўрнатилган давлат шакли бўлиб, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар амалда йўқ қилинади. Тоталитаризм ижтимоий ҳаётнинг моддий, маънавий, ахборот, ижтимоий, ҳаётнинг моддий, маънавий, ахборот, ижтимоий соҳалари устидан тўла назорат, давлат мулки монополияси, маъмурий-буйруқбозлик билан марказлаштирилган режалаштириш, қонунлари амалда бузиш, «айланиб ўтиш», бошқача, муқобил тарзда фикрларга нисбатан тоқатсиз бўлган, фикрлашларга нисбатан тоқатсиз бўлган, зўравонлик ва оммавий репрессия қўллаш сиёсатига таянувчи партия-давлат аппарати диктатурасидир.

Тоталитаризм Германия (Гитлер), Испания (Франко), Италия (Муссолини)да ҳам маълум давр мобайнида мавжуд бўлган. Италия фашизми XX асрнинг ўттизинчи йилларида мамлакат ҳаётининг барча томонларини ўзига бўйсундириб, тоталитар диктатурасини ўрнатди. Демократиянинг барча белгилари, шу жумладан парламент ҳам тугатилди. Оммавий ахборот воситалари Муссолини шахсига, унинг

мафкурасига хизматга ўтказилди, қаттиқ цензура ўрнатилди, фашистлар ғоялари оммага сингдирилди. Германияда 1933-1945 йилларда мавжуд бўлган национал-социалистик давлат тоталитар давлат нишонларидан ташқари яна ирқчиликни тарғиб қилиш, дохийпарастлик каби белгиларга ҳам эга эди.

Совет, Шўролар давлати ҳақида, унинг генезисидан тортиб, мустаҳкамланиши, томир олишига оид шарт-шароитлар тўғрисида мунозарали фикрлар бисёр. Большевиклар марксистик ғояларни ўзлаштириб, ижтимоий адолат, эркинлик, тенглик қоидаларини ифодаловчи жамиятга бўлган ишончни кенг йўлга қўйилган тарғибот ва ташвиқот орқали оммага сингдиришди. Натижа эса барчага маълум. Пуч, демагогик гаплар, чиройли шиорлар ёрдамида аҳоли тўғри йўлдан адаштирилди, чалғитилди. Мафкурага зид бўлган гаплар, фикрлар айтмаслик талаб қилинди. Коммунистик мафкуранинг яшовчан ғоялардан иборат эканини шубҳа остига олиш жиноятга тенглаштирилди.

Партиялар фаолияти жамиятда аввало сиёсий рақобатни таъминловчи омил ҳисобланади. Советлар жамияти эса якка партияли жамият бўлиб, «партия» ва «давлат» сўзлари синоним бўлиб қолган эди. ССЖИда компартия аҳоли ҳаётида катта роль ўйнаган бошланғич партия ташкилотларидан ва маъмурий-буйруқбозлик қилган партия аппаратида иборат эди. Партаппарат коммунистик давлатчиликнинг бир қисми бўлиб, у бутун ҳокимият тизимининг ўзаги эди. Фуқаролар уруши давридан бошлаб, то парчалангунга қадар Советлар давлатининг бутун тизими партия аппарати назоратида бўлди. Ҳодимлар масаласидан партия ҳокимият шаҳобчаларигача бўлган барча давлат идоралари партия аппарати қўлида қўғирчоқ эди. Сталиннинг шахсий диктатураси партаппарат устидан ҳам назорат ўрнатиш, мамлакатда яна қандайдир устқурмани таъсис этиш билан боғлиқ бўлди. Партия аппарати Таъсис мажлиси тарқатиб юборилган 1918 йил январидан бошлаб бўйсундирувчи вазифасини бажариб келди. Сталин ҳокимият тепасига келганидан сўнг эса бутун давлатни ўз домига тортган ГУЛАГ тизими вужудга келди.

Террор, зўравонлик авж олди. Катта террор йилларида партаппаратнинг мавжуд бўлишига кафолат йўқ эди. Партаппарат Сталин ҳоҳлаган пайтда йўқ қилиниши мумкин эди.

Сталин ва унинг «аъёнлари» великорус шовинизмини яққол намоён этишди. Коммунистлар барпо қилган салтанатда барча иттифокдош республикалар, шу жумладан Россия Федерацияси ҳам сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустақил эмас эди. Бу салтанат сиёсий жиҳатдан мустамлака давлатлардан иборат бўлган. Совет Иттифоқида рус халқи устувор позицияга эга бўлиб, бошқа барча халқлар оғаси дейиларди. («Ассалом рус халқи, буюк оғамиз...»-бу давлат мадҳиясининг биринчи сатри эди). Катта оғалик тил, маданият соҳасида, ҳодимларни ишга тайинлашда аниқ намоён бўлди. Мисол учун олганда иттифокдош миллий республиканинг бирон-бир раҳбарининг ўринбосари албатта рус бўларди, шунчаки рус эмас, балки марказдан, Москвадан тайинланган рус бўлиши керак эди. Совет ҳокимияти йилларида партия олий раҳбарияти таркибига фақат икки ўзбек-Нуритдин Муҳитдинов ва Шароф Рашидов кирган эди, лекин уларнинг иккиси ҳам Сиёсий бюрода иккинчи ролда бўлганди. Бир маданият вакиллари бошқа маданият кишиларига ўз хоҳиш-иродасини ўтказмоқчи бўларди. Совет тоталитар тузуми бошқа миллий минтақалар сингари Ўзбекистонни ҳам марказ манфаатларига бўйсундирди. 20-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб беш йилликлар бўйича мўлжалланган, мамлакат ва одамларни тубдан қайта ўзгартиришга қаратилган саноатлаштириш ва жамоалаштириш ўтказила бошланди. Тоталитар тузум барча миллий республикаларнинг маҳаллий иқтисодий ва ижтимоий-маданий эҳтиёжлар, хусусиятлар, манфаатларни инобатга олмасди. Натижада миллий республикаларда зиёнли режали иқтисодиёт тузилди, деҳқонларга қарши кураш олиб борилди, колхозлаштириш ўзбек деҳқончилик маданиятига катта зарар келтирди, пахта монокультурасига асос солинди. Ислом дини бошқа динлар қатори қийин-қистовга олинди. Ёппасига даҳрийлаштириш натижасида ислом маданияти қувғин қилинди, диний уламолар кириб ташланди, диний

таълим тизими йўқ қилинди. Лекин марказнинг дин билан, хусусан ислом дини билан олиб борган кураши мағлубиятга учради.

2-Мавзу: Шўролар ҳокимиятининг ўрнатилиши ва фуқаролар уруши.

РЕЖА:

1. Россия Октябрь тўнтариши арафасида.
2. Фуқаролар уруши ва ҳарбий интервенциянинг кучайиши.
3. Фуқаролар уруши тарихига янгича қарашлар.
4. Фуқаролар урушининг яқунлари.
5. Шўролар давлатининг ҳарбий коммунистик тажрибаси.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент 1998.
2. Страницы истории Советского общества М. 1989 г.
3. История России. М., 2002 г.
4. История России. XX век. М., 2001 г.
5. Открывая новые страницы. М., 1989 г.
6. Боров Ю. Сталиниада. М.. 1991 г.

Инсониятда ижтимоий адолатга интилиш ҳар вақт кучли бўлган. Ўрганилаётган даврда ленинча социализм ғояси меҳнаткашлар манфаатларига жавоб берадиган мақсадларни ўзида мужассамлаштирган, улар тўлиқ рўёбга чиқарилмаган ёки бутунлай бузиб, амалга оширилган, деган таъкидлар биз кўриб чиққан кўплаб адабиётларда учради. Россия социалистик жамиятни қуришга киришишдан олдин қандай давлат эди?

XX аср бошларида империя аҳолисининг тўртдан уч қисми аграр соҳада банд бўлиб, мамлакатда ярим крепостнойлик муносабатлари сақланиб қолган эди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича Россия дунёда биринчи ўринда бўлиб, арпа, тарик, буғдой етиштириш ва четга сотишда жаҳон бозорида салмоқли ҳиссага эга бўлган. Картошка, қанд лавлаги, зиғирпоя толаси ва бошқа техника экинларини етиштириш жадал кўпаймоқда эди. Чорва миқдори ва

унумдорли ҳам ўсаётганди. Бироқ саноат ва савдо соҳасида эришилаётган ютуқлар олдида аграр соҳадаги вазият жуда қолоқ ва аянчли кўринарди. Қишлоқдаги аҳволни бир-бири билан ўзаро боғлиқ икки ҳолат-қишлоқ аҳолиси сонининг ўсиши (1861 йилдан 1913 йилгача бўлган даврда қишлоқ аҳолиси икки барабар кўпайди) ва деҳқонлар жамоасининг мавжудлиги мураккаблаштирарди.

Янги аср бошларига келиб Россия империяси ҳудудига кўра дунёда Британия империясидан кейин иккинчи ўринда бўлиб, куруқликнинг 16,8 фоизини эгаллаган ҳолда 22,2 млн квадрат километрга эга эди. Аҳоли сонига кўра Британия ва Ҳиндистондан кейин учинчи ўринда борган Россия ҳудудида 125 миллион одам яшарди.

Саноатлашув бўйича Россия дунёнинг етакчи давлатларидан анча ортида бораётган эди. Саноати ривожланган давлат кўрсаткичлари қуйидагиларни қамраб олиши зарур эди:

- 1. Миллий даромадда саноат маҳсулотларининг устуворлиги;**
- 2. Шаҳар аҳолиси сонининг қишлоқ аҳолиси сонидан кўплиги;**
- 3. Аҳоли саводхонлиги кўрсаткичларининг юқорилиги.**

Катта миллий бойликка-160 миллиард рублга эга Россия империяси бу соҳада умумжаҳон кўрсаткичларида 8,6 фоизга эришган эди. Миллий бойликнинг аксарият қисмини-90миллиардни табиий бойликлар ташкил қиларди. Ялпи саноат маҳсулоти ҳажми бўйича 5,7 миллиард рубль кўрсаткичи билан Россия жаҳонда бешинчи ўринда эди. Аҳоли жон бошига даромад эса ривожланган давлатларга нисбатан 3-5 марта паст бўлиб, бир кишига саноат ишлаб чиқариш ҳажми ва саноатдаги меҳнат самарадорлиги бўйича Россия етакчи давлатлардан 5-10 барабар орқада эди. Аҳолининг турмуш даражаси Россияда Германияга нисбатан 2 марта, Англияга нисбатан 4 марта паст эди. Аҳоли саводхонлиги бўйича энг охирги ўринлардан бирини эгаллаган Россияда аҳолининг 30 фоизи саводли эди.

Шу тариқа, Россия империясининг XX аср бошларидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг таҳлили шуни кўрсатдики, иқтисодий ўсишнинг

юқори кўрсаткичларига эришса-да, Россия саноат ишлаб чиқариши бўйича дунёнинг етакчи беш давлатига яқинлаша олди, холос. Иқтисодий тараққиётнинг хусусиятлари рус жамиятининг ижтимоий-табақавий тузумида, сиёсий кучлар нисбатида, ижтимоий ҳаракатлар характерида ўз аксини топди.

1917 йилги воқеаларга бир неча ўн йиллар мобайнида коммунистик нуқтаи-назардан қараб келинди. Шу йили бўлиб ўтган барча воқеалар большевиклар энг аввало В.И.Ленин фаолияти билан боғлаб ўрганилганди. Бу ёндашувда муайян фактлар, яъни халқ оммасининг кайфияти, манфаатлари, психологияси бўш ўрганилган, бунинг устига сиёсий партияларнинг 1917 йилдаги фаолияти тарихи бузиб кўрсатилган.

Россия буржуазиясининг 1917 йилдаги асосий вазифаси ыз позицияларини давлат тепасида туриб мустаҳкамлашдан иборат эди. Бу йўлда буржуазия ўз даромадларининг бир қисмидан воз кечишга, ўз ҳаётий тамойилларидан вақтинча чекинишга ҳам борди.

Февраль инқилоби сабабларини аниқлаш учун иқтисодий инқироз ва озиқ-овқат тақчиллигига фронтдаги мағлубиятларни, бегона манфаатлар учун норозилигини, самодержавиени инқирозларни бартараф эта олмаганлигини, распутинчиликни, министрларни тез-тез алмаштирилишини ва шу каби қатор салбий ҳолатларни ҳам қўшиш зарур, деб ўйлаймиз. Фикримизнинг исботи учун 1916 йилда бутун мамлакат бўйлаб 243 та сиёсий иш ташлаш бўлганлигини, 1917 йилнинг дастлабки икки ойида эса 1140 та бўлганлигини келтиришимиз мумкин.

Иш ташлаш ва намоёишларнинг эски ҳисоб билан 23 февралда, солдатлар халқ тарафига ўтганидан сўнг бошланган янги тўлқини самодержавиенинг кулашига олиб келди. Бундай тез ғалабани буржуа ва социалистик партияларнинг етакчилари кутишмаган эди, шу боис уларнинг инқилобга тайёр эмаслиги аён бўлди. Бу ҳол Муваққат ҳукумат ва Советлар қай тариқа тузилганлигидан ҳам кўриниб турибди.

Самодержавие ағдарилиши арафасида подшо Николай II Давлат думасини тарқатиб юборди. Қудратли халқ ҳаракати бўлаётганлигига

карамасдан Дума депутатлари подшога кулоқ солишди ва алоҳида кенгашга тўпланишди. Сўнгра 27 февралдан 28 февралга ўтар кечаси Давлат думасининг Муваққат комитети тузилди ва Петроград Совети ижроия комитети вакиллариининг ушбу комитет билан ўтказган музокараларидан сўнг Муваққат ҳукумат тузилди. Муваққат ҳукуматнинг биринчи таркибига қуйидагилар кирди:

-князь Г.Е. Львов, партиясиз, сиёсий қарашларига кўра кадетларга яқин.

Муваққат ҳукумат раиси ва ички ишлар министри;

-А.И.Гучков - октябрист, ҳарбий ва денгиз министри;

-Н.В.Некрасов - кадет, темир йўллар министри;

-М.И.Терешенко - миллионер, молия министри;

-А.А. Мануйлов-кадет-маориф министри;

-В.Н.Львов-муқаддас синод обер-прокурори;

-А.И.Шингарев-кадет, зироатчилик министри;

-А.Ф. Керенский-меҳнат партиясидан (тез орада у ўзини эсер деб эълон қилади), адлия министри;

-И.В.Годнев-октябрист, давлат назоратчиси.

Уруш йилларида зиёлилар ва буржуазия доираларида «ишонч министрлиги» ғояси пайдо бўлган эди. Бу ғояни Давлат Думасида тараққийпарвар блок асосий шиор қилиб олган эди. Бу «ишонч министрлиги»га номзодлар рўйхати эълон қилиниб, кенг муҳокамалар ҳам бўлганди. Ташқи ишлар министри П.Н. Милюков ўз хотираларида Муваққат ҳукуматнинг биринчи таркибига кейинчалик асос бўлган уч таркиб варианты бўлганлигини ёзган (Милюков П.Н. Воспоминания. М., 1990). Муваққат ҳукуматнинг тезликда тузилганлигининг сабабини П.Н. Милюков шунда деб ҳисоблайди.

27 февраль куни кундузи ишчилар ташаббусига кўра ишчи депутатлари Советининг Муваққат ижроия комитети тузилиб, комитет аъзоларидан 13 киши меньшевик ва эсер, 2 киши большевик эди.

Совет ва унинг ижроия комитети Таврия саройида, Дума мажлислар ўтказадиган залда бўлганлиги учун эсер ва меньшевикларнинг раҳбарлари Совет тузилишига катта таъсир кўрсатишган.

Февраль инқилоби Россиянинг сиёсий ҳаётида катта ўзгаришларга туртки бўлганлиги тўғрисида СССР даврида ва хорижда кўп асарлар ёзилган. Турли майда сиёсий партия ва ташкилотлар сиёсий сахнадан тушиб кетишди. Мухолифатда бўлган конституцион-демократлар, яъни кадетлар ҳукмрон партияга айланишди, марказий позицияларда эсер ва меньшевиклар, сўл қанотда эса большевиклар бўлишди.

Февраль воқеаларидан кейин кадетлар партияси ташкилотларининг сони ўсди. Май ойининг охирига келиб 183 та, кузда эса камида 370 тага етди. Рус олимларининг ҳисоб-китобларига қараганда кадетлар партиясида тахминан 70 мингга яқин аъзо бор эди. Кадетлар партияси мамлакатнинг барча аҳолиси учун асосий фуқаролик эркинликлари берилишини ўз дастурларида асосий мақсад қилиб белгилаган эди:

- ҳукукий тузум жорий қилиш;
- парламент тузumi;
- 8 соатлик иш куни;
- Қасаба уюшмалари эркинлиги;
- монастирлар ерлари, давлатга қарашли ва помещикларга тегишли ерларни тўлов эвазига деҳқонларга бўлиб бериш;
- хусусий мулк тамойилининг ҳукукий муҳофазаси;

Кадетлар партияси Россиянинг жаҳон урушига киришини доимо маъқуллашган ва Февраль воқеаларидан сўнг ҳам Россия урушни давом эттириши лозим, деб ҳисоблашган. Уларнинг сиёсий мақсадларига келсак, кадетлар конституцияли монархия тарафдорлари бўлиб, Феврал воқеалари кунлари ҳам Ромоновлар сулоласи тожини Николай II ўғли ёки укасига кийдириш орқали сақлаб қолишга интилишди. Лекин солдат ва ишчилар орасида монархияга қарши кайфиятлар шунчалик кучли эдики, кадетлар монархияни сақлаб қолиш фикридан тез орада воз кечиб, 25-27 март кунлари бўлиб ўтган VII съездида ўзларини республикачи, деб эълон қилишди.

Муваққат ҳукумат монархияни сақлаб қолиш имкони бўлмаганлиги учун эмас, балки кадетлар ҳукуматда етакчи куч бўлганлиги учун (биз юқорида Муваққат ҳукумат таркибини келтирганимизда кадетлар вакилларини кўрсатиб ўтдик) сабабли Таъсис мажлиси чақирилгунга қадар тарқалиб кетди.

Эсер- социал революционерлар социалистик партиялар орасида 1917 йил баҳорига келганда энг йирик партия эди. Турли фаразларга кўра партия сафларида 500 мингдан 1 миллионгача аъзо бор эди. 1917 йил 25 май-4 июнь кунлари бўлиб ўтган III съездда эсерлар Муваққат ҳукуматни қўллаб-қувватладилар, урушни давом эттириш ва ер масаласини Таъсис мажлисида ҳам қилишнинг тарафдорлари бўлишди. Лекин эсерлар ўнг, сўл ва марказ вужудга келган эди. Кузга келиб партиявий ички низолар кучайди ва сўл эсерларнинг алоҳида партияси тузилиб, улар Октябрда большевикларни қўллашди.

Социал-демократлардан меньшевиклар партияси инқилоб бошланганда ягона партия ҳисобланмас, уларнинг Марказий комитети ҳам йўқ эди. Инқилоб мобайнида меньшевизм бир қатор оқимларга парчаланиб кетди. Ўнг меньшевиклар гуруҳи «Бирлик» (Единство) деб аталиб, унга Г.Плеханов раҳбарлик қиларди. Сўл ва байналминалчилар гуруҳига Ю. Мартов бошчилик қилган. Шунга қарамасдан меньшевикларнинг барчаси социалистик инқилобга ҳали эрта, деб ҳисоблашар, парламентли республика тузумини ёқлаб чиқишар, барча ерларни (майда хусусий ер майдонларидан ташқари) мусодара қилиш ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари тасарруфига беришни талаб қилишарди.

Энг радикал, шиддатли, қолаверса, экстремистик кайфиятга эга партия большевиклар партияси эди. Феврал инқилобига келиб бу партиянинг бор-йўғи 24 мингга яқин аъзоси бўлса-да, у энг жипс ташкилий жиҳатдан кучли, аниқ дастур ва тактикага эга партия эди. Ўз фаолиятини халқ оммаси орасида аҳолига ёқадиган шиорлар кўмагида олиб борган большевиклар

партиянинг обрўси бетўхтов ўсиб борди. 1917 йилнинг октябрь ойига келиб унинг сафларида 350-400 минг аъзо бор эди.

Иқтисодий соҳада большевикларнинг талабларини Ленин баёнида куйидагича келтириш мумкин:

- А) Помешчикларнинг барча ерларини мусодара қилиш;
- Б) Мамлакатдаги барча ерни умумхалқ мулкига айлантириш;
- В) Ерларни батрак ва деҳқон депутатлари маҳаллий Советларининг тасарруфига ўтказиш;
- Г) Ҳар бир йирик имениедан (100 десятинадан 300 десятинагача ери бўлган) батрак депутатлари назорати остида бўладиган **намунавий хўжалик** тузиш;
- Д) Барча банкларни битта умуммиллий банкка бирлаштириш ва улар устидан Советлар назоратини ўрнатиш;
- Е) Ижтимоий ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат тақсимотини Советлар томонидан назорат қилишга ўтиш;

Кўриниб турибдики, бу большевикларнинг социалистик инқилоб қилиш ва ҳокимиятни пролетариат ўз қўлига олганидан сўнг амалга ошириладиган социалистик ўзгаришлар дастури эмас. Биз бунни таъкидлаб айтмоқчимиз. Бу большевикларнинг фикрича, Россияни глобал иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳалокатдан қутқариш дастури эди. Ушбу дастурнинг асосий мазмуни бир томонлама (сепарат) сулҳ тузиб бўлса ҳам урушдан чиқиш, қўзғалиб келаётган халқни тинчлантириш учун унинг энг зарурий эҳтиёжларини қондиришдан иборат эди. Бошқача айтсак, бу оғир инқироз шароитида мамлакат иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш сиёсати эди. Тарихга назар солсак, бундай ҳолатни биз I жаҳон уруши йилларида Германияда, I жаҳон урушидан сўнг Англияда (Д.Ллойд-Жорж амалга оширган), 1930 йилларда АҚШда (Ф.Д. Рузвельт ва унинг «янги йўналиши») кузатишимиз мумкин. Бу сиёсатнинг характерли томони ишлаб чиқариш воситаларини давлат мулкига айлантириш, давлатнинг иқтисодиётга кучли таъсир қилиш механизмини яратиш, режалаштиришдан фойдаланиш, ижтимоий дастурларни амалга ошириш ва ҳокозолардир.

Большевикларнинг ютуғи шунда эдики, улар илгари сурган шиорлар (*Ер-деҳқонларга!*, *Бутун ҳокимият-Советларга!* ва бошқалар) ўша суронли кунларда халқ манфаатларини ифодаларди. Шу боис аҳолининг аксарият қисми большевикларни қўллаб-қувватлади. Бундай шиорларни кўтариб чиққан большевиклар аҳолининг кенг қатламларига яқинлашиб, қатъийлик билан ҳаракат қилишди. Ишчи ва деҳқонлар мададига таяниб иш кўриш эса меньшевик ва эсерлар учун социалистик инқилоб ўтказилишини англатарди. Уларнинг фикрича социалистик инқилоб Россияда ҳали етилмаган эди.

Большевиклар инқилоб охирига етказилиб, ҳокимият Советлар қўлига берилса фуқаролар урушининг олдини олиш мумкин бўлади, деб ҳисоблашарди. Улар мамлакатда монархия кучайса, ўнг кучларнинг бирлашиши учун замин пайдо бўлади, деб ташвишланардилар. Шу сабабли большевиклар қуролли кўзғолонни тезлаштиришга интилдилар. Мамлакатдаги ва пойтахтдаги вазият қуролли кўзғолонни муваффақиятли ўтказиш учун қулай келиб, кўпчилик қуролли кўзғолон бир неча ҳафта ичида бўлиб ўтишини тушунарди. 1917 йил 10 октябрь куни кечқурун большевиклар Марказий комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Қуролли кўзғолон ўтказиш тўғрисидаги резолюция учун овоз берилганда уни ёқлаб Ленин, Свердлов, Сталин, Троцкий ва бошқалар овоз беришди. Каменев ва Зиновьевлар қарши чиқишди, улар ҳали инқилоб учун эрта эканлиги, Таъсис мажлиси очилишини ва ҳокимият масаласини ўшанда ҳал қилиш лозимлигини асос қилишди.

Қуролли кўзғолон арафасида Қизил гвардия сафларида мамлакат бўйича 75 мингга яқин аскар бор эди. Қўзғолон мобайнида гвардия сони 2-3 марта ошиб кетди. Қизил гвардия милтиқ ва пулемётлар билан, айримлари эса тўп ва зирҳли автомобиллар билан қуролланишган эди. Сигналга кўра 240 минг кишилик Петроград гарнизони жангга киришга тайёр эди. Шу тариқа, большевиклар қуролли кучлар нисбатида устунликка эришдилар ва қуролли кўзғолонга тайёргарликни имкони борича сир тутишга уриндилар. Лекин 18 октябрь куни сўл социалистик йўналишдаги «Новая жизнь»

газетасида Каменев баёноти эълон қилинди. Унда Каменев ўз номидан ва Зиновьевнинг номидан партиянинг қуролли қўзғолон тўғрисидаги масалага қарши чиққанлигини тасдиқлади. Ленин бу иккаласини *«штрейкбрехер»*лар (иш ташлаган ишчилар ўрнига ишлашга рози бўлган ишсизлар) деб атаб, МК таркибидан чиқаришни талаб қилди. Бироқ МК ҳал қилувчи кунлари ички партиявий зиддиятларни кескинлаштирмаслик мақсадида Каменев ва Зиновьевни МК таркибида қолдирди. Бунинг устига қуролли қўзғолон муваффақиятли якунланишига ишонмайдиган большевиклар оз эмас эди. 19 октябрь куни адлия министри П.Маянгович Ленинни ҳибсга олиш тўғрисида буйруққа имзо қўйди. Большевиклар яширин фаолиятни кучайтиришди.

24 октябрь куни эрталаб юнкерлар ва милиция отрядлари большевиклар типографиясини босиб олди. Муваққат ҳукумат Вақтли инқилобий комитет аъзоларини ҳибсга олиш масаласини муҳокама қилди, Петроград Совети ишлаётган Смольний биносини эгаллашни таклиф этди. Юнкерлар ҳукумат бинолари, вокзалларни эгаллаб, кўприкларни кўтаришга киришдилар. Шу кунидек большевиклар партияси Петроград комитетининг мажлисида ҳужумга ўтишга қарор қилинди. Шу куни тунда Ленин большевик Эйно Рахья ҳамроҳлигида Смольнийга келди.

25 октябрга ўтар кечаси большевиклар тарафдорлари Николаев ва Болтиқ вокзалларини, электростанцияни, эрталаб эса Давлат банкини, Марказий телефон станциясини эгаллашди. «Аврора» крейсери Невага кирди. Николаев кўпригини қўриқлаётган юнкерлар кетишди. Троцкийнинг сўзларига қараганда тинч фуқаро осойишта ухлаётган ва ҳукумат ўзгараётганидан беҳабар эди. 25 октябрь куни эрталаб Керенский Муваққат ҳукуматга раисликни А.И.Коноваловга топшириб, ўзи Шимолий фронт қароргоҳига кетди. Соат 10⁰⁰ да Вақтли ҳукумат ўз мурожаатномасини эълон қилди. Соат 13⁰⁰ да Мариинск саройи забот этилди. Яна бир ярим соатдан сўнг эса Смольнийнинг мажлислар зали, Қишки сарой ўраб олинди. Қишки Саройнинг қуршовида 12-18 минг солдат иштирок этди. Соат 19 да Муваққат ҳукуматга Вақтли инқилобий комитетнинг ультиматуми эълон

қилинди. Соат 21 дан 40 дақиқа ўтганда «Аврора» крейсери тўпидан узилган ўқ Қишки саройни эгаллашга сигнал бўлди. Қишки саройни забт этишга раҳбарлик қилаётган В.А.Антонов-Овсеенко ва Г.И.Чудновскийлар 1917 йил 26 октябрь кунини 00 дан 50 дақиқа ўтганда саройни эгаллашга буйруқ беришди. Тунги соат 2 дан 10 дақиқа ўтганда Қишки сарой олинди. А.И.Коновалов раислигидаги Муваққат ҳукумат таслим бўлди.

Собиқ Россия империяси ҳудудида бўлиб ўтган фуқаролар уруши асосан 1918-1920 йилларни қамраб олади. Ушбу уруш тўғрисида кўплаб тадқиқотлар эълон қилинган, бироқ уларнинг аксариятида бир томонлама ёндашув, тарихий ҳақиқатни бузиб, сохталаштириб кўрсатишга мойиллик кучли бўлган. Ҳаққоний тарихни ёритиш 1990 йиллардан бошлаб, амалга оширилди. Масалан, рус тарихчиси Ю.А.Поляковнинг маълумотларига кўра фуқаролар урушида ҳалок бўлганлар сони 12 миллионга яқин бўлган. Бошқа манбаларда 15 миллион деб айтилади. Шунингдек уруш даврида мамлакат иқтисодиётига етказилган зарар 39 млрд олтин рублни ташкил қилган.

Уруш мобайнида иқтисодиётни изга солиш мақсадида «ҳарбий коммунизм» сиёсати қўлланилди, натижада маъмурий-буйруқбозлик тизими шакллана борди. Озиқ-овқат маҳсулотларини мажбурий, қуролли отрядлар воситасида зўрлик билан тортиб олиш (продотрядлар) механизми вужудга келди. Мамлакатнинг айрим шаҳарларида халқ оммасининг чиқишлари бошланди, очарчилик нишонлари пайдо бўлди. Озиқ-овқат таъминотидаги аҳвол кескин ёмонлашди.

Кейинги йилларда чоп этилган адабиётларнинг аксариятида фуқаролар уруши қуйидагича даврлаштирилади:

1. Фуқаролар урушининг бошланиши - 1918 йилнинг ёзи ва октябрь ойи;
2. Антанта интервенциясининг кучайиши - 1918 йил, ноябрь-1919 йил, апрель
3. Ички ва ташқи душманлар устидан эришилган ғалабалар-1919 йил;
4. Совет-Польша уруши ва Врангелнинг тор-мор қилиниши.

Фуқаролар уруши ҳокимият учун мамлакат ичкарисидаги сиёсий кучлар ва бошқа ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги курашнинг юқори

кўринишидир. Ҳокимиятдан аҳдаришган кучлар қурол ва Антанта давлатлари ёрдамида Россияда монархия тузумини тиклашга уриндилар. Большевиклар эса ўз ғалабаларини сақлаб қолиш мақсадида шафқатсиз сиёсатни амалга оширдилар. 1918 йил ёзида оммавий ва индивидуал террорга ўтилди. Оқ террор асосан Дон, Кубань, Волга бўйларида, Сибирда авж олди. Июль ойида Россиянинг марказий районларида оқ гвардиячилар исён кўтардилар. Июнь-декабрь ойларида мамлакатнинг 13 губерниясида оқ гвардиячилар 2278 кишини отиб ташладилар. 1918 йил 2 ноябрь куни таниқли большевик Володарский ўлдирилди, 3 август куни эса Урицкий отиб ташланди, В.И. Ленинга суиқасд уюштирилиб, у ярадор қилинди. Оқ террорга жавобан қизил террор бошланди. Урицкийнинг ўлимига жавобан гаровга олинган 500 киши отилди. 1918 йил июнидан 1919 йил февралига қадар Ҳаққулда комиссия (ВЧК-Бутунроссия Ҳаққулда комиссияси) 5436 кишини жиноятчи сифатида отувга ҳукм қилди. Ўз навбатида оқ гвардиячилар ҳам шу давр ичида 13 Губернияда 20 мингга яқин ишчи ва деҳқонни отиб ташлади. Генераллар Колчак, Деникин, Юденич Врангелларнинг уюшган, мунтазам армиясига қарши, ҳароб, вайрона мамлакатнинг халқидан янги, уч миллионлик армия тузилди. Лекин кейинги йилларда 30-йиллардаги қатағонлик қурбонлари номларини оқланиб, қайтиб келиши бу даврнинг тарихий ҳақиқатини тиклаш имкониятини берди. Узок йиллар мобайнида фуқаролар урушининг қаҳрамонлар уч киши - Сталин, Ворошилов, Буденный деб кўрсатилган, уларнинг номлари урушнинг ҳамма жойларида, участкаларида, мамлакатининг шимолидан жанубигача, шарқидан ғарбигача, қайси жойларда жанглар бўлган, ўша ерларда кўрсатилган. Бироқ аслида бундай эмас эди. Фуқаролар уруши қаҳрамонларининг кўпчилиги Сталин шахсига сиғиниш қурбонлари бўлганлар. 1936-1939 йиллар ичида минглаб ҳарбий саркардалар, мутахассислар, қўмондонларга «халқ душмани» тамғаси босилиб, отиб ташланди. Фуқаролар урушида Россия халқларининг ғалабага, яхши, нурли ҳаётга бўлган ишончи муваффақиятга олиб келди.

Шўролар Россиясидаги пролетар диктатураси Франциядаги якобинчилар диктатурасига ўхшаб кетарди. Русча якобинчиликнинг қуйидаги асосий тамойилларини айтиб ўтишимиз мумкин:

- ❖ *Инқилоб - бу ҳокимиятни эгаллаб олган инқилобий озчиликнинг сиёсий тўнтаришидир.*
- ❖ *Инқилобий диктатура инқилоб галабаларини муҳофаза қилади ва ижтимоий ислохотларни «юқоридан» амалга оширади.*
- ❖ *Инқилобий диктатура, инқилобий террор ва зўравонлик усуллари орқали ҳокимиятни бошқаради.*

Ушбу диктатура очик партиявий характерга эга эди. 1918 йилнинг декабрида РКП(б) тўғрисида Л.Д. Троцкий шундай деган эди: ... бу диктатура бутун мамлакатни бошқаради, сулҳ тузади, уруш олиб боради, армияни шакллантиради, қўмондонларни каттасидан кичигигача назорат қилади.

Мамлакат ҳаёти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай сиёсий ёки ташкилий масала (РКП) (б) Мкнинг иштирокисиз ҳал бўлмас эди. Ленин бу борада «... Ҳа, бир партиянинг диктатураси! Биз шунинг тарафдоримиз ва бундан воз кечмаймиз!» деган эди.

Пролетар диктатураси шароитида бошқа партиялар ҳалок бўлишди ёки сиёсий ҳаётга қоришиб кетишди. Меньшевиклар ва эсерлар партияси большевиклар партияси диктатурасига қарши курашишга урниниб кўрди. Волгабўйи ва Уралда бир нечта меньшевик-эсерлар «республикаси» тузилди, бироқ уларнинг барчаси оқ гвардиячи инқилобий кучларга қарам бўлиб қолди ёки ҳарбий ҳукумат томонидан тарқатиб юборилди.

1918 йилнинг охирида меньшевиклар Совет ҳукуматини қўлда қурол билан ҳимоя қилишга тайёр эканликларини билдиришди. 1919 йил ёзида ўз аъзоларини Қизил Армияга сафарбар сафарбар қилишди. Дан ва Мартов бошлигидаги меньшевиклар фракцияси ВЦИК таркибига қайтди. 1919-1920 йилларда Мартов Москва шаҳар Советининг депутаты бўлди. Бироқ кейинги келишмовчиликлар туфайли айрим меншевиклар муҳожирликка кетишди. Совет тузумини мунтазам равишда танқид қилиб туришди. Россияда қолган

меньшевикларни эса сиёсатдан кетказиш бошланди. Большевиклар уларга иқтисодиётда, ВСНХ (Халқ хўжалиги бутунроссия кенгаши) аппаратида, наشريётларда ва бошқа соҳаларда лавозимларни бажонидил беришди. Кўплаб меньшевиклар РКП(б) сафига киришди.

Яширин фаолият юритаётган сўл эсерлар озиқ-овқат отрядлари, камбағаллар комитетига, саноатни давлат ихтиёрига ўтказиш сиёсатига қарши чиқишда давом эаверишди. 1919 йил қишида кўзга кўринган 50 эсер, шу жумладан, уларнинг таниқли раҳбари Мария Спиридонова ҳибсга олинди. М.Спиридонова турмада 20 йилдан зиёд ўтирди. 1941 йили, фашистларнинг Орёл шаҳрига яққинлашиши сабабли бу аёл шу шаҳар турмасида отиб ташланди.

Ўзларининг II съездида сўл эсерлар қишлоқларда коммуналар тузилишига, шаҳар ва қишлоқ ўртасида озиқ-овқат алмашишни йўлга қўйиш ишларига қарши чиқишди. Бу партиянинг қисмати меньшевиклар қисматига ўхшаб кетарди.

Синфий ва партиявий кураш манфаатлар алоҳида шахс эркинлиги билан боғлиқ барча нарсаларни сиқиб, бир четга суриб қўйди. Мамлакатда «мен» тушунчаси «биз» билан, «шахс» тушунчаси «жамоа» билан, «фуқаро» тушунчаси «ишчилар жамияти» билан алмаштирилди, шу тариқа *«меҳнаткашлар ҳокимияти вужудга келди»*.

Жаҳон уруши Россиядаги товар-пул муносабатларини бузиб юборди, пул кадрсизланди. Ушбу объектив омилларга коммунистларнинг социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини ўзаро хоҳлагандек йўлга қўйиш мумкинлигига бўлган қатъий ишончи қўйилди. Улар товар-пул муносабатларини бекор қилиш мумкин, деб ҳисоблашарди. Ленин буржуазияни товар ишлаб чиқаришни бартараф этиш орқали йўқ қилиш мумкин, деб ҳисобларди. Йирик капиталистик ишлаб чиқаришни йўқ қилиш учун деҳқон хўжаликларини тугатиш зарур эди.

Озиқ-овқат развёрсткаси, бозор иқтисодиёти муносабатларини мажбурий бевосита озиқ-овқат алмашуви билан алмаштириш, кооперацияни тақсимловчи аппаратга айлантириш, бараварлаштириш, бепуллик каби

унсурларга эга сиёсат «ҳарбий коммунизм» сиёсати деб аталди. Бу сиёсат Россияда социалистик жамият куриш методига айланди. Майда товар ишлаб чиқарувчи деҳқон хўжаликлари «қонундан ташқарида» деб эълон қилиниши ишчилар ўртасида деҳқонларга қарши кайфиятни, муносабатни шакллантира бошлади. Очарчилик ҳукм сурган 1919 йил баҳорида ҳам *Ленин «ишчи ва хизматчилардан ҳеч ким ўз хўжаликларида ҳайвонлар, паррандалар боқиши, томорқада ишлаши мумкин эмас»* деган ҳолатларни ўз ичига олган қонунни ёқлаб чиқди.

«Ҳарбий коммунизм» сиёсати аста етилиб келди. 1918 йилнинг ёзида бутун саноат умумхалқ мулкига айлантирилгач, аввалига йўл тармоқлари, сўнгра хусусий шу жумладан кооператив банклар умумхалқ мулки, деб эълон қилинди. 1918 йил 21 ноябрь ХКС тақсимотининг барча тизими давлат қўлига ўтказилганлигини маълум қилди. Озиқ-овқат олиш учун ҳар бир фуқаро бирон-бир матлубот жамиятига ёзилиб, рўйхатга кириши керак эди. Бундай жамият кооператив ёки матлубот коммунаси деб аталиб, келгусида давлатники деб эълон қилинди.

1918 йил кузида хусусий савдо тугатилди. 1919 йил 11 феврал куни мамлакатда озиқ-овқат разверсткаси жорий қилинди. 16 ёшдан 50 ёшгача барча фуқаролар меҳнат қилишга мажбур эдилар. «*Ишламаган тишламайди*» принципига амал қиларди. Аввалги даврда ишчилар диний байрам кунлари ишга чиқмасликлари, қишлоққа ўрим-йиғимга кетишлари мумкин эди. Энди эса бу дезертирликка тенглаштирилди. Уларни концлагерга қамашлари ҳам мумкин эди. Меҳнат ва сафарбарлик армия билан тенг бўлиб қолди.

Озиқ-овқат тақсимотининг давлат ихтиёрига ўтиши тўрачиликни келтириб чиқарди. Фуқаролар уруши йилларида шу тариқа маъмурий-буйруқбозлик тизими белгилари шакллана бошлади.

1920 йилнинг августига келиб бошқарувда 4 млн киши банд бўлди. Ҳолбуки саноат пролетариати 1,7 млн кишидан иборат эди. Бош бошқармалар сони ўсиб, 1918 йилдаги 18тадан 1920 йили 52 тага етди.

1920 йилнинг иккинчи ярми «ҳарбий коммунизм» сиёсатини юксалган палласи бўлди. Ҳукумат пул тизимини бекор қилиш йўлини тутди: жамоат транспорти текин бўлди, муассасаларнинг почта-телеграф операциялари учун ҳақ олиш тўхтатилди, телефон, водопровод, газ, элетр, қувват, ёнилғи, уй-жой учун олинадиган тўловлар бекор қилинди. Дори-дармонлар ва ҳатто кенг истеъмол моллари учун ҳақ тўлашни бекор қилиш тўғрисида ҳам декретлар қабул қилинди.

Ҳарбий коммунизм сиёсати қандай оқибатларга олиб келди? Бир томондан, бу сиёсат ички ва ташқи аксилинқилобий кучларга қарши барча кучларни мужассамлаш имконини берди. Иккинчи томондан, бу сиёсат моддий ва маданий жиҳатдан тайёр бўлмаган заминда амалга оширилиб, умумхалқ мулки давлат мулки билан аллашиб кетди, ҳар бир шахснинг эркин ривожланиши ўрнига умумий ҳарбий мажбурият жорий қилинди, энг илғор демократия ўрнига-қаҳрли диктатура, адолат ўрнига тенглаштириш-бараварлаштириш сиёсати ўтказилди. Иқтисодий қонунларни, инсон манфаатлари ва унинг эҳтиёжларини менсимаслик, назарга илмаслик оқибатида мамлакат оғир инқирозга юз тутди.

3-Мавзу: Янги иқтисодий сиёсат.

РЕЖА:

1. 1920-1921 йиллардаги иқтисодий қийинчиликлар.
2. Мамлакатнинг халқаро аҳволи.
3. РКП (б)нинг X съезди.
4. **Янги иқтисодий сиёсат**нинг моҳияти.
5. ЯИС ва ташқи сиёсат.

Адабиётлар.

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998 й.
2. История отечества. Очерки истории Советского государства. М., 1991 г.
3. Геллер М, Некрич А. История России. (1907-1995 гг) М., 1996 г.
4. Совет жамияти тарихи саҳифалари. Т., 1991 й.

1920-1921 йилларга келиб мамлакат мураккаб иқтисодий вазиятга тушиб қолди. Жаҳон урушининг қарийб 4 йили, 1917 йилги буржуа инқилоби, октябрь давлат тўнтариши, фуқаролар уруши, «ҳарбий коммунизм» сиёсати чет эл интервенцияси мамлакатни хонавайрон қилди. Инқироз ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини: саноатни, қишлоқ хўжалигини қамраб олди. Экин майдонлари қисқариб, ҳосилдорлик пасайиб кетди. Аграр секторнинг ялпи маҳсулоти қарийб 2 марта камайди, нон, гугурт, туз етишмовчилиги бошланди. Шакар ишлаб чиқариш 1913 йилга нисбатан 45 марта қисқариб кетди. Шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги анъанавий алоқалар бузилди. Айрим ҳужжатларда келтирилишича, коммунистлар етакчиси В.И.Ленин 1921 йил октябрида, “*биз коммунистик ишлаб чиқариш ва тақсимотга бевосита ўтиш мумкин, деб янглишдик. Биз деҳқонлар разверстка бўйича бизга атрофлича дон беради, биз эса донни завод ва фабрикаларда тақсимлаймиз ҳамда шу орқали коммунистик ишлаб чиқариш ва тақсимотга эришамиз, деб ўйладик.*” дея ёзган эди.

Фуқаролар урушининг халқ хўжалигини тиклаш масаласини кўндаланг қилиб қўйди. Техникавий база қашшоқлигида кўплаб иқтисодий масалаларни ҳал қилиш мумкин эмаслиги аён бўлиб қолди. Шу боис 1920 йил декабрь ойида амалга оширилиши 10-15 йилни ўз ичига олган «Россияни электрлаштириш давлат режаси» (ГОЭЛРО) қабул қилинди.

Инқироз шунга олиб келдики, 1920 йилнинг ёзида Тамбов ва Воронеж губернияларида деҳқонлар кўзғолони кўтарилди. Уларни «кулоқлар исёни» деб аташди. Дон, Кубань, Украина, Волгабўйи, Сибирда ҳам шундай кўзғолонлар бўлди. Бу эса шаҳарликларнинг шундай ҳам енгил бўлмаган ҳаётини оғирлаштириб юборди. 1921 йил январида ишчиларнинг нон паёғи (улуши) қисқартирилди. 40 млн дан зиёд одам оч эди. Ҳукумат деҳқонларни фақат армиягина тинчлантира олади, деб ўйлаб, Тамбовга Тухачевский раҳбарлигида 50 минг қизил аскарни юбрди. Бироқ 1921 йил март ойида Кронштадтда бўлган воқеалар бу пуч хаёл эканини кўрсатди.

1921 йили 1 март куни кўзғолон кўтарган денгизчилар *сўз, матбуот эркилиги, савдо эркилиги, деҳқонларнинг ерга тўла эгаллик қилиш ҳуқуқини* талаб қилиб чиқишди. Троцкий раҳбарлигида бу кўзғолон бостирилди.

1920-1921 йиллардаги озиқ-овқат разверсткаси социализм куришнинг ҳарбий-коммунитик усуллариининг инқироzi эканлиги маълум бўлди. Аслида бу рус озодлик ҳаракатига марксизм кириб келган даврлардан буён гегемонлик қилиб келаётган социализм концепциясининг (*концепция* – бу ўринда *таълимот*) чуқур инқироzi эди.

Шундай шароитда РКП (б) нинг X съезди (1921 йил 8-16 март) бўлиб ўтди. Съезднинг еттинчи иш кунида озиқ-овқат разверсткасини озиқ-овқат солиғи билан алмаштириш масаласи кўриб чиқилди.

Аввалига савдо-сотик тўғрисида очикдан-очи салбий оҳанглarda гапирган Ленин деҳқонлар кўзғалонларини, жаҳон инқилобининг пасайиши, Кронштадт исёнини кўриб, савдо эркинлигини ёқлаб чиқди.

Шу тариқа озиқ-овқат разверсткасини озиқ-овқат солиғи билан алмаштириш ва савдо-сотикқа берилиши ЯИС номини олган сиёсатган асос бўлди.

ЯИСни ўзаро боғлиқ бўғинлардан иборат занжирга қиёслаш мумкин. Битта бўғинни бошқа бўғинлардан алоҳида ҳолда ривожлантириб бўлмас эди. Саноат, транспорт, бошқарув, молия, савдо, қишлоқ хўжалиги ва шу каби бўғинларни комплекс ривожлантирмасдан иложи йўғ эди. Биринчи бўғин савдо эди. Озиқ-овқат солиғини тўлаб қўйган деҳқон энди, ортиқча маҳсулотни эркин тасарруф қилиши, яъни сотиши мумкин эди. Савдо-сотик эркинлиги давлатнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тақсимлашдаги монополиянигина эмас, балки шаҳар саноатинини бошқаришдаги монополияни ҳам бартараф этди. Саноат корхоналари энди хўжалик ҳисобига ўтказилди. Хўжаликлар аста-секин ўз харажатларни ўзи қоплаш, маблағ билан ўзини ўзи таъминлаш ва ўзини ўзи бошқаришга ўта бошлади. Корхоналар ўз маҳсулотининг бир қисмига ўзи эгалик қила бошлади. Ишчиларни моддий рағбатлантириш жорий қилинди. Кўплаб корхоналар, ширкатлар, кооперативлар ёки хусусий шахсларга ижарага берила бошланди. Шу тариқа барча майда ва кустар саноатни умумхалқ мулкига айлантириш тўғрисидаги декретлар бекор қилинди. 1921 йил 7 июлдаги янги Низомга кўра бир шахс битта майда саноат ишлаб чиқаришини йўлга қўйишига рухсат берилди. Ўнтадан йигирматагача ходим ёллашга ижозат берилди. 1923 йилнинг март ойига келиб кустар саноатнинг 80%и давлатга, қолганлари-хорижий концессияларга қарашли эди.

Майда ва айрим ўрта саноат корхоналари аввалги эгаларига қайтарилди. Шаҳарлардаги бинолар ва корхоналар, қишлоқлардаги ер ва техника ижарага берилди. Давлат заводларига кўплаб мутахассислар жалб қилина бошланди. НЭПманлар, яъни янги иқтисодий сиёсат буржуазияси шакллана бошланди. Эски буржуазия машғулот турига кўра 30% дан 50% гачани ташкил этарди. НЭПманларнинг қолган қисми совет хизматчилари, деҳқонлар ва майда ишлаб чиқарувчилардан иборат эди. Ушбу буржуазия ҳам хусусий ҳам давлат капиталистик уклади билан боғлиқ эди. Сармояларнинг тез айланиши туфайли савдо-сотик нэпманларнинг асосий иш фаолиятини ташкил қилди. 1921 йил умумий меҳнат мажбуриятининг бекор қилиниши тадбиркорлик билан шуғулланишга имкон яратди.

Шу тариқа ЯИС инсонга ташкилий иқтисодий эркинлик берди, ташаббускорлик ва тадбиркорлик учун имкониятлар яратди.

ЯИСнинг Украина, Кавказ, Қрим, Уралбўйи, Волгабўйи районларида 1921 йили кўрғоқчилик бўлиб, 1921-1922 йиллари аҳолиси 90 миллион кишидан иборат 40та губернияда очарчилик бошланди. Шундан 40 миллион киши ўлим хавфи остида қолди. Очорчиликдан 5 млн киши ҳаётдан кўз юмди. Волгабўйидан Москвага келган делегатлар ўз районларидаги канныбализм ҳолатларини сўзлаб беришди.

Дехқонлар оммавий равишда қишлоқларни тарк эта бошлашди. Улар шаҳарда бирон-бир паёк олишга умид қилишарди. Масалан, Москвада бир ишчи оғир жисмоний меҳнат билан банд бўлса-да, бир кунда 225 грамм нон, 7 грамм гўшт ёки балиқ, 10 грамм шакар оларди. Мамлакатда миллионлаб болалар назоратсиз, дайдиб юришарди. Тиф, вафо, сувчечак каби касалликлар эпидемияси тарқалганди. Иситилмаган уйлар, ёпилган завод-фабрикалар, совуб қолган домен печлари, рельсларда туриб қолган вагон ва паровозлар-бу ўша даврнинг машъум кўриниши эди. Болалар жиноятчилиги 1913 йилга нисбатан 7,4 марта ўсди. Энг зарур нарсалар етишмас эди. Оддий совуннинг бир парчаси ҳам қимматли эди.

Фуқароларнинг аксарияти «миллионер» эди. 1921 йили 16 кг гуруч уни 140 минг сўм турарди. Трамвайда бир бекат масофа учун 500 рубль йўл ҳақи олинарди. «Правда» газетасининг битта сони 250 рубль эди. Шакар 1913 йилга нисбатан 162 минг марта қимматлашганди. Энг зарур маҳсулотларни харид қилиш учун бозорга бир неча миллион рубль билан боришарди.

Ҳукумат бу қийинчиликлардан чиқиш йўлларини зўр бериб излай бошлади. Очларга ёрдам бериш учун бир қатор комиссиялар тузилди. Мамлакатда оч қолган қишлоқларга ёрдам берувчи сиёсий кучларнинг муваққат бирлашуви юз берди. Рус черкови ўз қимматбаҳо бойликларини очларни қутқариш жамғармасига топшира бошлади, хориждаги рус мухожирларидан ёрдам келди. Бироқ тез орада черков таъқиб қилина бошланди. Озиқ-овқат сотиб олиш учун черков жиҳозлари зўрлик билан мажбуран тортиб олинди. Санъат асарлари чет элга сотиб юборилди. Лекин

очликни ички имкониятлар билан бартараф этиб бўлмади. Совет ҳукумати дунёга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Халқаро пролетариат, Америка ёрдам маъмурияти ва Европа давлатларидан ёрдам келди. Бироқ буларнинг барчаси очлик муаммосини ҳал эта олмас эди. Чуқур иқтисодий ва молиявий ислохотлар ўтказиш зарур эди.

1922-1924 йилларда пул ислоҳоти ўтказилди. 1922 йилнинг охирида бошланган ислохот совет **червонецини** муомалага чиқарилди. 1 червонец 60 минг рублга алмаштирилди. Алмаштирилган пул миқдори 886,5 квадриллион рублни ташкил қилди. 1924 йил февралига келиб Давлат банки аҳолидан барча рубллари (совзнак) сотиб олди. Олтин рубль инглиз фунт стерлингидан қиммат турар ва АҚШнинг 5 доллар 14,5 центига тенг эди.

1920 йилда қабул қилинган қонунлар ичида энг муҳимларидан бири «Концессиялар тўғрисидаги қонун» эди. Совет ҳукумати келишилган ҳолда хорижий тадбиркорларга маълум бир муддатга табиий бойликларни, корхона ва бошқа хўжалик объектларини фойдаланишга берди. РСФСР Катта Шимолий телеграф жамияти билан (1921 йил) Россия, Дания, Япония, Хитой, Швеция ва Финляндия билан сув остидан ўтказилган телеграф линияларидан фойдаланиш концессияси тузди. 1922 йили Москва-Кенигсберг халқаро авиаинияси очилди. Махсус ҳиссадорлик корхоналари очилди. Улар рус, хорижий ва аралаш корхоналар эди. 1923 йили 24 та аралаш, яъни қўшма корхона ишлаб турарди. Лекин қўшма корхоналарнинг иқтисодий эркинлиги чеклаб турилиши оқибатида улар кенг ривож топмади. Ғарб давлатларининг шўролар ҳукуматига ишонмаганлиги (яъни қайтарилмаган қарзлар туфайли вужудга келган ишончсизлиги) ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қўймади. Коммунистлар йирик саноат ва банк устидан ўз ҳокимиятини сақлаб қолганликлари учун бошқа соҳаларга ўз ҳукмини ўтказишга интилашарди. Шу боис ЯИС 1923, 1925 ва 1928 йилларда инқирозга юз тутди, охир-оқибатда ЯИС барҳам топди. Қаттиқ маъмурий – буйруқбозлик, ўз моҳиятига кўра «ҳарбий коммунистик тизим» шаклланди.

ЯИС-қишлоқ ва шаҳарнинг иқтисодий алоқаларини тиклади;

⇒ саноатни электрлаштириш асосида ривожлантирилди;

⇒ кооперацияни тараққий этказди.

⇒ ҳамма соҳада хўжалик ҳисоби, ўз меҳнатидаан шахсан манфаатдорликни тиклади;

⇒ давлат режалаштириш ва бошқарувини такомиллаштирди;

⇒ тўрачилик, маъмурий-буйруқбозликка қарши кураш заруратини келтириб чиқарди.

Бошқарув аппарати янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларга жуда секинлик билан мослашар, товар-пул муносабатларининг ривожланишига тўсқинлик қиларди. Давлат тизими ва янги бозор тузилмалари бир вақтнинг ўзида ўзаро тил топишиб кета олмасди.

ЯИС бошқарув ходимлари ўртасидаги ишсизликни ўсишига олиб келди. 1924 йилнинг январига келиб 1 млн ишсиздан 750 минги собиқ хизматчилар эди. Ишсизлик нафақаси 27 рубль 56 тийинни ташкил қиларди. Унга 2 та (демисезон) пальто харид қилиш мумкин бўлса-да, ишсизни бошқа савол қийнар эди: “Биз шунинг учун қон тўкканмидик?”.

Қишлоқда ҳам ёлланма меҳнатдан фойдаланиш, табақаланиш кучайди. Люмпенлар, малакаси паст ишчилар ва хизматчилар, камбағаллар, батраклар, ишсизлар ЯИСни бошқарув аппаратидагилар сингари ёмон қабул қилишган эди.

4-Мавзу: Шўролар давлати 20-йиллар охиридан 1941-йилгача бўлган даврда.

РЕЖА:

1. ВКП (б) ичида зиддиятларнинг ўсиши.
2. ЯИС ва жамиятдаги демократик асосларга барҳам беришнинг бошланиши.
3. Саноатлаштириш ва жамоалаштириш давридаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт.

Адабиётлар.

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998 й.
2. Совет жамияти саҳифалари. Т., 1991 й.
3. Кредер А.А. Курс лекций по новейшей истории. М., 2004 г.
4. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Т., 2001 й. (3-4 боблар)

Янги иқтисодий сиёсатга ўтиш кескин бурилиш эди. Сиёсатда, иқтисодиётда, мафкурада, жамият аъзолари психологиясида-ҳамма нарсада кескин бурилиш бошланди. Ушбу бурилишни дарҳол ва ҳамма ҳам қабул қила олмади, унинг муҳимлигига ва муқаррарлигига тушуниб етмадилар.

Шўролар давлатининг XX асрнинг 20-30 йиллар тарихи қайта мулоҳазага муҳтождир. Бу йиллар ЯИС йиллари ва ундан кейинги йиллардан иборат икки босқичга бўлинади. ЯИС йилларида РКП(б) ленинча тамойилларга таяниб иш кўрган, кейинги йилларда эса Сталин ва унинг атрофидагилар бу тамойиллардан воз кечиб, иш юритганлар. 1925 йилларгача янгича сиёсий фикрлашнинг илк куртаклари пайдо бўлишига олиб келганди.

«Ҳарбий коммунизм»дан ЯИСга ўтиш кескин бўлди. Ушбу сиёсатга нисбатан билдирган фикрлар зиддиятли бўлиши тайин эди. ЯИС мухолифлари орасида ошкора эътироз билдиришмаса-да, амалда уни

саботанг қилганлар ҳам бор эди. ЯИС шароитида партиянинг вазифалари ва унинг ролини тушунтиришда принципал ихтилофлар ўтказилди.

ЯИС ниҳоятда тез, самарали ўзгаришлар берди. 1921 йилда саноатнинг аста секин юксалиши сезила борди. ГОЭЛРО режаси бўйича ГЭСлар қуриш жадаллашди. 1922 йили очарчиликлар енгиб ўтилди, ғалла ҳосилдорлиги ортиб, нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўсди. 1923-1924 йилларда нон истеъмоли 1913 йилга нисбатан ошиб кетди.

Маъмурий-буйруқбозлик тазйиқини у ёки бу даражада бошидан кечираётган ЯИС инқироздан қочиб қутула олмас эди. Сиёсатнинг иқтисодиётдан устунлиги ЯИС механизмини издан чиқариб турарди. Иқтисодиётни бошқаришдаги хатолар ҳам ўз таъсирини ўтказди. ЯИС нинг биринчи инқирози 1923 йили юз берди. Иқтисодиётда маҳсулотларни сотишда муаммолар юзага келди. Иқтисодий эркинлик олган 100 миллион деҳқон шаҳар бозорларини арзон қишлоқ хўжалик маҳсулотларига тўлдириб юборди. Саноатда банд бўлган беш миллион ишчи меҳнатини рағбатлантириш учун давлат саноат маҳсулотлари нарҳини сунъий равишда оширди. 1923 йилнинг кузига келиб қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотлари нарҳларининг фарқи уч юз фоизга етди.

Бир қатор саноат районларида иш ташлашлар бўлди. Корхоналарга давлат кредит бермай қўйди. Маош тўлашга пул маблағлари йўқ эди. Ишсизлар сони ошди. 1922 йил январидан 1923 йил сентябригача ишсизлар сони 63 мингдан бир миллион 60 минггача ўсди. Инқироз омилларига ҳокимият учун кураш ҳам қўшилди. Партия раҳбарларининг аксарияти муаммолар бозорини нормаллаштириш, саноат маҳсулотларининг нарҳини тушириш, давлат захираларини ишга солиш орқали ҳал қилиш мумкиш, деб ҳисобларди. Н. Осинский, Б.Преображенский, Л.Троцкий, Б.Пятаков ва бошқа сўл мухолифат вакиллари шундай фикрда эдилар. Жамият ҳаётида шу тариқа иқтисодий, сиёсий, ички партиявий инқирозлар қоришиб кетди. Партиявий инқироз иқтисодий муаммолардан ташқари ишчи ва партиявий демократия, кўрачилик, бошқарув усули ва шакллари тўғрисидаги бир қатор муаммоларни ҳам ҳал қилиши лозим эди.

1923 йилги қарама-қаршиликлардаги бош қатнашчилар Зиновьев, Каменев ва Сталин бир томонда, Троцкий бошчилигидаги гуруҳ иккинчи томонда эди. Троцкий тарафдорлари озчиликни ташкил қилганликлари боис мухолифатда қолишди. Долзарб масалаларни муҳокама қилишда Троцкий ва унинг сафдошлари бирин-кетин мағлубиятга учрай бошладилар. Зиновьев ва Каменев Троцкийни партиядан чиқаришни талаб қила бошлашди. Троцкий ва троцкийчилик бош хавф-хатар деб эълон қилинди. Партия ичидаги кураш 1930 йилгача давом этди.

1925 йилга келиб мамлакат вайроналикка барҳам берди. ***Бозор иқтисодиёти (муносабатлари) шарофати билан ССЖИ иқтисодий қийинчиликлардан қисқа муддатларда чиқа бошлади.*** Бироқ шуни ҳам унутмаслик керакки, 1913 йилги кўрсаткичлар ўртача тараққий этган капитализм кўрсаткичлари эди. Илгарилаб кетган ғарб давлатларига етиб олиш, техникавий ва иқтисодий қолоқликни енгиб ўтиш учун машинасозлик, металлургия, темир йўллар, электр энергия ишлаб чиқариш каби қатор соҳаларни модернизациялаштириш зарур эди.

Саноатлаштириш молиявий маблағлар етишмаслиги, ташқи савдо ва иқтисодиётда давлат монополияси мавжудлиги шароитида ўтказилиши керак эди. Имкониятлар ва истаклар мос тушмас эди. 1925 йили Л.Троцкий тўсатдан фермер хўжаликлари учун импорт ускуналарни сотиб олиш саноатни тиклашга ёрдам беради, бу кейинчалик жамоалаштириш имкониятини туғдиради, деб таклиф киритди. Лекин шу йилиёқ Л.Троцкий бу фикридан қайтиб қишлоқда «ҳарбий коммунизм» методларидан фойдаланишни ёқлаб чиқади. Ўз фикрини тез ўзгартириб турувчи Троцкий 1925 йил январь ойида ўтказилган МК пленумидан сўнг инқилобий ҳарбий кенгаш раиси, ҳарбий денгиз флоти халқ комиссари каби олий давлат мансабларидан бўшатилади ва Сиёсий бюро таркибидагина қолдирилади.

1925-1926 йиллардаги муаммолар вамота захираси ҳисобига ва спиртли ичимликларни давлат томонидан сотишга рухсат бериш орқали хал қилинди. Бироқ бу сўнгги чоралардан эди. Аҳолининг қишлоқдан шаҳарга кўчиб келиши оқибатида ишсизлар сони 310 минг кишига кўпайиб, 1926-1927

йиллари 1 млн 300 мингни ташкил этди. 1925 йилги иқтисодий қийинчиликларнинг сабаби деб партиянинг айрим раҳбарлари иқтисодиётни маъмурий жиҳатдан бошқариш чораларини бўшаштирилиши, деб айтишди. Шу боис бутун халқ хўжалигини «социалистик рельс»ларга ўтказиш ва саноатлаштиришни жадаллаштириш таклиф этилди.

Шундай таклиф билан чиққан мухолифатни Бухарин, Риков, Сталин ва бошқалар кескин танқид қилишди, Троцкий, Преображенский, Зиновьев, Каменев ва бошқалар саноатлаштиришни қишлоқ ҳисобидан амалга оширишга уринмокда, деб айбланишди. Қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг моддий аҳволини яхшилаш орқали ўтказиладиган саноатлаштириш мамлакат учун қийинчиликлар туғдирмайди, деб фараз қилинди. Бошқа томондан ёндашилса, бундай ечим зарур бўлган маблағлар муаммосини келтириб чиқарди. Чунки 20-йилларнинг ўрталарида ўзига тўқ деҳқон хўжалиги СССРда 800-2000 рубль даромадга эга бўлса, АҚШ фермери 8-12000 рубль даромад оларди. Деҳқонлар жаҳон бозорига чиқиш учун давлат ташқи савдо монополиясини бекор қилинишини талаб этди, шаҳарни аввалгидек таъминлашдан бош тортди. Бироқ ташқи савдо монополияси даҳлсиз қолаверди.

XIV съезд ЯИС тамойилларини мустамлакалашга қаратган қарорлар қабул қилса-да, 1925 йилги иқтисодий қийинчиликлар маъмурий-бўйруқбозликни ва иқтисодиётни бошқаришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқилса олиб келди.

Айни пайтда аҳолининг кенг қатламлари ЯИС дан норози эканликлари маълум бўлиб қолди. НЭП манларнинг маишат суриши, ўйин-кулги билан вақтичоқлик қилишлари ҳамманинг кўз ўнгида бўлаётган эди. Бироқ сармояларнинг йирик саноатга жойлаштириш тақиқланганлиги боис «яширин миллионерлар» ҳақида кўпчилик нафрат билан гапира бошлади. Ўз ишининг устаси ҳисобланмиш кишилардан, уларнинг юксак даромадлари, ташаббускорлиги ва ишбилармонлигидан норозилик ўсиб борди. Мехнат халқ комиссариати 1924 йилдаёқ маошларнинг юқори чегарасини белгилашни таклиф қилган эди. Лекин бу иш жойидаги лоқайдлик, ўғирлик,

бефарқлик каби ҳолатларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳисобга олиниб рад этилди.

«Қуйи»дан қўллаб-қувватланаётган маъмурий-буйруқбозлик тизими хатти-ҳаракатлар билан навқирон ЯИС механизмини яксон қила бошлади. ЯИС бошланган пайтда саноатнинг давлат секторига етарлича мустақиллик берилмаган эди. Иқтисодий рағбатсиз язши ишлаб бўлмасди. 1927 йилги Низомга кўра ҳар бир корхона мустақиллигига барҳам берган режали фаолият кучга киритилди.

Шу билан бир вақтда ялпи маҳсулот ҳажми хусусий корхоналарда қисқариб борди. Агар 1925-1926 йилларда ялпи маҳсулот ҳажми **2478** млн сўмни ташкил этган бўлса, 1927-1928 йилларда бу кўрсаткич 1975 млн сўмни ташкил этди. Улгуржи савдо хусусий сектор ҳиссасига тушадиган товар обороти (айланмаси) 700 млн сўмга қисқариб, 1926 йили Л.Троцкий «кулоқ»лардан 150-200 млн пуд ғалла қарз олишни таклиф қилди. У қишлоқдаги бойликлар, маблағларни (қишлоқдан) шаҳарга кўчириш тарфдори эди. 1928 йили саноат ишлаб чиқариши бир қатор муҳим кўрсаткичлар бўйича 1913 йилга нисбатан илгарилаб кетди. 1927 йилдан бошлаб ТуркСиб (1500 км) қурила бошланди. 1926 йили Сталинградда трактор заводи пойдевори қўйилди. ДнепроГЭС қурилиши бошланди. Бу қурилишлар ҳайбатли эди. 1929 йили мамлакат улкан қурилиш майдонини эслатарди. **Магнитогорск** металлургия заводини қуриш муддатлари ҳукумат томонидан бир йилга қисқартирилди.

1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқироzi совет кишиларидан «ғолиблик» кайфиятини шакллантирарди. Меҳнаткаш халқининг жўшқин ғайрати тезда сўниши мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмасди. Мамлакатда қийинчиликлар бошланди. 1929 йили озиқ-овқат карточкаси жорий қилинди. Ишсизлик кўпайди. Уй-жой муаммоси кескинлашди, малакали тақчиллиги ошди.

Саноатдаги ютуқлардан мамнун, сархуш бўлган Сталин 1929 йили 1928-1932 йилларни қамраб олган беш йиллик режага ўзгартиришлар киритди. Саноатда 1928 йили 3,3 млн т тонна чўян қуйилган бўлса, 1932 йил

режаси 10 млн эди. Сталин уни 15-17 млн тонна деб ўзгартирди. Тракторлар 1928 йили 180 донга ишлаб чиқилган бўлса, 1932 йили ишлаб чиқарилган тракторлар сони 53 мингга етиши керак эди. Сталин бу рақамни уч баравардан ҳам кўпайтириб, 170 минг қилиб, белгилади. Аслида-чи, 50,8 минг донга трактор халқ хўжалигига етказиб берилди.

1933 йил 7 январь куни, асл натижалар бошқача бўлганига қарамасдан, Сталин бешйиллик 4 йилу 3 ойда бажарилди, деб эълон қилди. 1930 йили биринчи беш йилликнинг бажарилиши гумон бўлиб қолганда, Советлар ЯИС механизмини ишга солишди - ходимлар манфаати эътиборга олинди, меҳнатни рағбатлантиришга (индивидуал-ишбай маош ҳам ашё тежаганлик, материаллар асбоб-ускуналарга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлганлик учун мукофотлар тайинланди. Бироқ, ишдаги шароит, вазият яхшилангани сари, ишлаб чиқаришдаги, «бузғунчилар»ни аниқлаш каби ҳолатлар кучайди. Лекин, 1930 йилларда ташаббускорлик ва ўзини ўзи бошқариш мажбурий маъмуриликка қарши турган ҳолатлар бўлиб қолди.

Қишлоқни ўмариш улкан моддий ва кишилиқ ресурсларини сафарбар қилиш ҳисобига штурм ва мажбурлаш методи билан ўтказилган саноатлаштириш ҳисобига 1933-1937 йилларда сезиларли натижалар кўрсатди. Агар, 1928 йили дастгоҳларни четдан келтириш 66 % ни ташкил этган бўлса, 1934 йили 31,9, 1935 йили эса 14% ни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ҳажми бўйича СССР 30-йилларнинг охирида дунёда АҚШдан кейинги иккинчи ўринга чиқди. Техникавий ва иқтисодий қолоқлик, импортга қарамлик бартараф этилди.

Саноатлаштириш натижасида ишчилар сони ортди. (1928 йили-9млн, 1940 йили-23 млн) . Хусусий сармоялар саноатдан ва халқ хўжалиги айланмасидан тўлиқ сиқиб чиқарилди. Мамлакат аграр-саноат мамлакатига айланди. Ишсизлик тугатилиб, шаҳар ва посёлкаларнинг қиёфаси ўзгарди. Бироқ 1938-1940 йиллардаёқ саноатда турғунлик кузатилди, айрим соҳаларда хатто ортга қайтиш (регресс) бошланди. Саноатнинг халқ хўжалигидаги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига солиштирма ҳиссаси фақатгина 1960 йилларда ортди. Бунинг боиси шу эдики, саноатда давлат мулки бўлиб,

бозор муносабатлари ва механизмлари тугатилганди. Меҳнаткаш инсон иқтисодий эркинликдан маҳрум этилган эди. Инсонни инсон томонидан эксплуатация қилиниши ўрнига инсонни давлат томонидан эксплуатация қилиниши келди. Инсон улкан давлат механизмнинг кичкина бир қисмига, «винтига» айлантирилди. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қатъий режалаштирилиши хўжаликлар фаолияти эркинлигини йўққа чиқариб, ҳар бир фуқароннинг индивидуал эҳтиёжларини назарга ола олмас эди.

Бюрократия ўсиб борди. Ходимлар малакаси паст бўлгани ҳолда миқдор ортидан қувиш маҳсулот сифатини пасайишига олиб келди. Иш ҳақи ходимнинг умумий ишга қўшган ҳиссасини эътиборга олмасдан, тенг тақсимлаш усулида тўланарди. Инсоннинг меҳнатдан рағбати сўниб борарди.

Саноатнинг давлат назоратида бўлиши иқтисодий тараққиёт йўналишларини бир неча ўн йилликлар учун белгилаб берди. Марказлашган бошқарув, маъмурий-буйруқбозликнинг кенгайиши социализмнинг казарма моделини шакллантирди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 20-йилларнинг иккинчи ярмида кузатилган «катта сакраш» қишлоқда ўтказилган жамоалаштириш сиёсатида кескин бурилиш ясади. Бу маблағларни йирик, бақувват деҳқон хўжаликлари, шу жумладан қишлоқ шу жумладан кулоқ хўжаликлари бериши мумкин эди. Ўз атворига кўра иқтисодий жиҳатдан эркин товар ишлаб чиқарувчи бўлган кулоқ иқтисодиётни маъмурий бошқариш тизимига «сиғмас» эди. Ўз хўжалигидан ёлланма ишчи кучидан фойдаланганлиги учун у эксплуататор сифатида ижтимоий душман саналарди.

1927 йили қишлоқ хўжалигида кулоқлар 4 % га яқин бўлиб, 25-26 млн деҳқон хўжаликларидан 1 млн ни ташкил қилишарди. Уларнинг тасарруфида экин майдонларининг 15% и, иш ҳайвонларининг 11,2 %и бор эди.

20-йилларнинг иккинчи ярмида кулоқларга ўтказилаётган зулмнинг кучайиши кулоқ олдига қуйидаги саволни қўйди: хоҳлаган пайтда ортиқча маҳсулот тортиб олинадиган бўлса, чорвани кўпайтириш ва экин майдонларини кенгайтиришдан нима фойда? Оқибатда 1927-1928 йилларда

ғаллани четга сотиш 1926-1927 йилга нисбатан 8 баравар қисқарди. Ғалла тайёрлашдаги инқироз саноатлаштириш режаларини хавф остига қўйди. Вазиятдан чиқиш мақсадида мамлакат раҳбарияти кулоққа зуғумни кучайтирди ва аҳолининг қашшоқ қисмига таянди. Сталин муаммони ҳал қилиш учун қишлоқда ишлаб чиқариш кооперацияси-жамоалаштиришни амалга ошириш зарур деб ҳисобларди. Ўнг мухолифат жамоалаштиришни инкор этмаган ҳолда, аграр соҳанинг асосини кўп йиллар мобайнида якка деҳқон хўжаликлари ташкил этиши зарур деб ҳисоблади. Агар 1928 йили Н.И.Бухарин ғавқулодда чораларни вақтинчалик деб, ҳисоблаган бўлса, 1929 йили эса бундай чораларни қатъиян рад этди, у Сиёсий бюро таркибидан чиқарилди. Риков ва Томскийлар огоҳлантирилди.

Саноатлаштиришнинг маъмурий-мажбурлаш методлари эндиликда қишлоққа кўчирилди. Ортиқча маҳсулотни топширмаганлик учун чайқовчилик тўғрисидаги 107 модда қўлланилди. Мусодара қилинган ғаллани давлат қайта тақсимлаб, камбағалларга 25%ини кредитга ёки давлат нархида берарди. Деҳқонларнинг ишсиз юришлари, бозорларда бўлишлари, маст ҳолда санқишлари тез-тез учрайдиган ҳолга айланди. Иш вақтида нега бундай юришгани ҳақидаги саволга деҳқонлар шундай жавоб беришарди: **67-модда**: бизни оз ғалла экканимиз учун жазолайди, **107 модда**-кўп экканимиз учун биз шу **қирқта** модда ичида ҳаётга мослашамиз»

Мамлакат давлат режа топшириғи шаклидаги озиқ-овқат разверсткасига қайта бошлади. Ғаллани сотиш тақиқланди, ортиқча маҳсулот тортиб олинди, деҳқон меҳнатининг хусусияти бузилди. ВКП (б)ни энди деҳқонлар большевикларнинг иккинчи крепостнойлик ҳукуки (русча сўзлар билан **Второе Крепостное Право большевиков**) деб атай бошладилар.

Қишлоқ хўжалигида қўлланилган ғавқулодда чоралар 1929 йили деҳқонларнинг норозилигининг кучайишига. Ҳатто қуролли чиқишларига олиб келди. 1929 йилнинг ўзида 1300 та чиқиш кузатилди. Деҳқонларнинг бу чиқишлари кулоқлар исёни, деб аталди. Ёзда Сталин ялпи жамоалаштириш шиорини илгари сурди. Бунга кўра 1930 йил кузи ёки 1931 йил баҳорига келиб Шимолий Кавказ, Қуйи ва Ўрта Волгада жамоалаштиришни якунлаш

зарур эди. Ғалла етиштирувчи бошқа районларда 1931 йил кузи ва 1932 йил баҳорида ниҳоясига етказилиши лозим эди. Лекин 1927 йилда жамоалаштриш узоқ давом этувчи жараён сифатида кўрилган эди. Қишлоқ хўжалиги учун биринчи 5 йиллик режалари бошқачароқ эди: 1933 йил охиригача деҳқон хўжаликларининг 85%и кооперацияга тортилиши керак эди (улардан 18-20%и колхозларга кириши керак эди).

Шунга қарамасдан 1928 йили колхозлар *коммуна, артель* ва *ерга ишлов берувчи ширкат*лар кўринишида эди. *Коммуна*да ишлаб чиқариш ва ҳатто маиший турмушнинг кенг умумлашуви кузатилди. *Артел*да ер, иш ҳайвони, майда туёқли ҳайвонлар, паррандалар, жихозлар умум мулки бўлган.

*Ерга ишлов берувчи ширкат*ларда меҳнат умумий эди. Якка деҳқондан маҳсулотларни олиш учун фуқаролар уруши давридаги озиқ-овқат армияси тузиш керак эди. Колхоз эса қишлоқдаги ғаллани тортиб олишнинг энг қулай усули эди. Чунки ҳосил умумий омборга тўкилиб, уни олиб кетиш осонлашарди. Ялпи. Мажбурий жамоалаштириш сиёсатидан кузатилган мақсад ҳам шу эди. Ғалланинг ялпи ҳосили 1928 йилги бўлса-да, давлат режаси 1931 йил 69,5 млн тоннагача тушиб кетган бўлса-да, давлат режаси тўлдрилди. 1928 йили 10,8 млн тоннадан 1931 йили 22,2 млн тоннага. 1932 йили эса 22,7 млн тоннага етди.

Ғалла экспорти 1928 йили 99,2 минг тоннани ташкил қилган бўлса, 1930 йили 4,84 млн, 1931 йили 5,18 млн эди. Айнан шу валютага машиналар, ускуналар харид қилинди, хорижий мутахассис-консультантларга ҳақ тўланди. 30-йилларда СССР машина ва ускуналарнинг энг йирик импортерига (харидорига) айланди.

Янги иқтисодий сиёсатга зарба бериш, иқтисодий қонунларнинг бузилиши иқтисодий тараққиётдаги барқарорликки олиб келди. Маъмурий-буйруқбозлик асосида хўжаликни бошқариш нархларини белгилашда тартбсизликларга олиб келди. Саноат маҳсулотларининг нархлари эса сунъий тарзда туширилди. Бунинг оқибатида аграр сектор саноат маҳсулотлари сотилмай қолди. Пролетариатга маош тўлаш муаммоси келиб

чиқди. Амалдорларнинг ўзбошимчалиги, чайқовчилик, коррупция, меҳнат ва ижро интизомининг бўшашиб кетиши, режа ортидан, миқдор ортидан қувиш, ишлаб чиқариш технологиясини бузиш каби иллатлар тараққиётга тўсқинлик қилди.

Совет тоталитаризми совет халқини индустрлаштириш сиёсати қомига ташлади. Янги шаҳарлар, саноат корхоналари, ишлаб чиқариш гигантлари барпо этилди. Мажбурий меҳнат ва халқнинг янги ҳаёт қуришга қаратилган жўшқин ғайрати асосан оғир саноат-пўлат, металл, кўмир, электр қуввати ишлаб чиқаришга қаратилди. Саноатнинг **«А» гуруҳи-ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш**, **«Б» гуруҳ-истеъмол молларини ишлаб чиқариш**дан устун қўйилди. Натижада истеъмол товарлари оз ишлаб чиқарилди. Барқарор тараққиётга 1929-1932 йилларда ўтказилган жамоалаштириш ҳам сезиларли зарба берди.

Жамоалаштиришнинг дастлабки йилларидаёқ мисли кўрилмаган очарчилик юз берди. Украина, Шимолий Кавказ, Дон, Волгабўйи, Жанубий Урал, Қозоғистон ҳудудида яшовчи ўттиз миллионга яқин одам очарчилик зонасида қолди. 1928 йилдан бошлаб мамлакат карточка тизимида яшаётган эди. 1932 йил баҳорида аҳоли ярим оч ҳолда яшади. Шу йилдан бошлаб ғалла тайёрлаш деҳқонларга қарши чинакам урушларга айланиб кетди. Илк бошоқлар пиша бошлаши билан оч қолган болаларнинг оналари қайчи олиб тунда бошоқ ўғирлашга боришган. Ҳосил ўрим-йиғим пайтда колхозчилар давлат режаси топширилгандан кейин ғалласиз қолишдан қўрқиб, уйларига чўнтак ва қўйниларида ғалла олиб кетишарди. Бунга жавобан 1932 йил 7 август куни **«социалистик мулкни қўриқлаш тўғрисида»** қонун чиқарилди. Халқ уни **«уч бошоқ тўғрисидаги қонун»** деб атади. Бошоқ терганлик учун отувга ёки мол-мулки мусодара қилингани ҳолда камида 10 йилга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм чиқаришарди. 1932 йилнинг беш ойи мобайнида 55 минг киши жазога тортилди, шундан **икки минг бир юз киши** отиб ташланди. Мамлакат раҳбарияти фожиянинг кўламини яширишга интилди. «очарчилик» сўзини ишлатиш 3-5 йилга қамоқ жазоси қўлланиладиган жиноят деб баҳоланди. Очарчилик жамоалаштиришни

тўхтатиб қўйди. Қишлоқда ўтказилаётган сиёсатни қайта кўриб чиқиш ҳақида фикрлар билдирила бошланди. Колхозчиларнинг томорқа хўжалигини кенгайтириш, иккита сигирга эга бўлиш ҳуқуқини бериш каби таклифлар киритилди. Бироқ маъмурият 1934 йил июнда жамоалаштиришнинг янги, яқунловчи босқичи бошланишини эълон қилди. Якка деҳқон хўжаликларидан олинадиган қишлоқ хўжалиги солиғи оширилди, улар колхозчиларга қараганда давлатга мажбурий топшириладиган маҳсулот ҳажми 50%га кўтарилди.

Шу тариқа, катта қурбонлар эвазига, 1937 йили жамоалаштириш яқунланди, деҳқон хўжаликларининг 93% и колхозларга бирлаштирилди. ***Сиёсатнинг иқтисодиётдан устиворлиги ЯИСни йўқ қилинишининг асосий омилдир.***

Раҳбарликнинг оддий маъмурий-буйруқбозлик усулларида кейинроқ шахс диктатураси ва шахсга сиғиниш каби ҳолатга айланадиган сталинча маъмурий-буйруқбозлик тизими ўсиб чиқиди.

ССЖИда XX асрнинг 30-йилларида шаклланган маъмурий-буйруқбозлик тизими ўз бюрократияси билан бирга бошқа ривожланган давлатларда мавжуд бўлган бошқарув тизимидан сифат даражасига кўра фарқ қиларди. Агар «ҳарбий коммунизм» шароитида барча муаммолар буйруқлар воситасида ҳал қилинган бўлса, ушбу илдизлар саноатлаштириш ва айниқса жамоалаштириш даврида ЯИС берган зарбалардан ўзига келиб, мустаҳкамлашди. Маъмурий-буйруқбозлик тизими ва жамиятнинг демократик тараққиёти манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар тугамади. Бу зиддиятларнинг ҳал қилиниши тизимни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашни аниқлатарди. Бунга қандай эришганини, маъмурий-буйруқбозлик тизими иқтисодиётга, сиёсатга, ижтимоий ҳаётга, миллий муносабатларга ва шахсга қандай таъсир қилганлигини кузатиб кўрамиз.

Иқтисодиётда бу тизимнинг асосини марказ томонидан қатъий меъёрлаштириб берилган тақсимлаш механизми ташкил этарди. 1928-1935 йилларда карточка тизимининг жорий этилиши айрим пайтларда мажбурий чора эмас, социализм йўлидаги босқич деб изоҳланди. Матбуотда пуллар ўз

умрини яшаб бўлганлигини, савдодан маҳсулотларни пулсиз тақсимлашга ўтилиши тўғрисида мақолалар яна пайдо бўлди. Банкларнинг кенг тармоқлари ёпиб қўйилди. Маъмурий-буйруқбозлик тизимида халқ комиссарлари (яъни министрлар) металлнинг ҳар тоннасини, ҳар бир тракторни, деярли ҳар бир яшикдаги михни назорат қилишарди. Партия раҳбарлари давлат ва хўжалик идораларига оталиқ қилишар, баъзан эса уларнинг вазифаларини бажаришарди.

Бундай оталиққа олиш ВКП (б) нинг 1939 йилда бўлиб ўтган XVIII съездида қабул қилинган уставда бевосита ёзиб, мустаҳкамлаб қўйилган эди. Бундан буён парткомларга маъмурият фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқи берилди. Бир сўз билан айтганда, маъмурий-буйруқбозлик ва партиявий тизим ҳамма нарсани назорат қилар, охир-оқибатда ҳеч ким ҳеч нарса учун жавоб бермас эди. Шу тариқа Октябрь ва ҳарбий коммунизм мерос қилиб олган сиёсатнинг иқтисодиётдан устиворлиги XX асрнинг 30-йилларида мустаҳкамланиб олиш учун ўзига шароит яратди. Кўплаб ишчиларда ғолибликнинг ҳарбий-коммунистик психологияси шаклланган эди ва шу боис улар ҳарбий коммунизм шароитига қайтишни маъқуллаб қарши олдилар.

Ижтимоий муносабатлар. Маъмурий-буйруқбозлик тизими кечагина ўз бошпанаси, етарли даражада маданияти бўлмаган деҳқонлар ва ишчиларга таянган ҳолда ўзига ишониб, фаолият юритарди. Маъмурий-буйруқбозлик тизими тенглаштириш, бараварлаштиришнинг оммавий психологиясини шакллантирар эди: **«камбағал бўлсак-да, барчамиз тенгмиз, баравармиз, бир хил шароитдамиз»**. Социализмнинг Сталинча турида ўзининг паст малакасига кўра ҳукуматга тобе, қарам ўва шу боис давлат хоҳиш-иродасига кўра ишлатиладиган ишчи учун жой топилган эди. Совет кишиси амалда хусусий мулк ва ҳокимиятдан четлаштирилган эди. Жамият тубида яшовчи люмпенлар аппаратга, аппарат эса люмпенларга керак эди. Жамиятнинг люмпенлашуви тоталитаризмни кучайтиради, омма, оломон деспотизмни келтириб чиқаради. Люмпен эндиликда бошқалар билан тенглигидан фахрланади, ўзини бахтли ҳисоблайди. 1932-1933 йиллардаги очлик ҳали

одамлар ёдилан кўтарилмаган эди. Ҳали ҳам деҳқонлар даҳшатда кўрқувда яшарди. Зўравонлик ва кўрқувга, даҳшатга солиш усулларида фойдаланувчи маъмурий-буйруқбозлик тизими эса буни назардан қочирмаган эди.

Аппарат эса буни ўртасидаги ўзаро фаолият «буйруқ-ижро» деб аталган алоқанинг иерархик тизими орқали амалга ошириларди. Жамиятда давлат ва партия аппарати фаолиятини қуйидан назорат қилувчи қайтма алоқа йўқ эди. 30-йилларда ССЖИда қайта тақсимлашга асосланган, тарихда мисли кўрилмаган тизим вужудга келди-ки, иқтисодиётда, ижтимоий ва маънавий ҳаётда мустаҳкам ўрнашиб олган партия ва совет органлари давлат аппаратига қўшилиб, ягона тана, ягона вужудга айланишди.

Тоталитар режим жамиятни парчалаб, ҳаётнинг органик , муҳим алоқаларини бузиб ташлади, барчани мулкдан ва бошқарувдан четлаштирди. Тоталитар тизим жамият аъзоларини тизимга қўшиб олиб, жамиятни йўқ қилди, уни механизмга айлантирди. Жамият аъзоларининг ҳар бири давлатга иқтисодий жиҳатдан қарам бўлгани ҳолда унинг ўзига хос ёлланма ходимларига, механизмнинг бир винтчасига айланди.

Сиёсий соҳа. XVIII асрдаёқ машҳур француз файласуфи ва маърифатпарвари Ш.Монтескье *«тўғри ташкил этилган давлатда ягона ҳокимият бўлиши мумкин эмас, бир-биридан мустақил бўлган уч ҳокимият-қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўлиши зарур. Уларнинг бирон-бир орган ёки шахснинг қўлида мужассаслашуви умумий манфаатларнинг унутилишига, суиистеъмолликларга олиб келади. Бу ҳол шахснинг сиёсий эркинлигига зиддир»*, деб ёзган эди.

ССЖИда ўрнатилган ҳокимият партия аппаратининг сиёсий ҳукмронлигига асосланди. Суд ҳокимияти фуқаролар уруши даврида Бутуниттифоқ фавқулодда комиссия, бошқа фавқулодда ва ХКСга бўйсунган маҳаллий ижроқўмларнинг қўлида эди.

ЯИС йилларида бошқарув ва суд идораларининг функциялари ажратиб қўйилди. Бироқ 30-йилларнинг бошларига келиб, бу жараён тўхтатиб

қўйилди. Вакиллик идоралари бўлган Советларнинг роли пасайиб, ижрокўмларнинг бошқарув функциялари кенгайиб борди. Вакиллик демократиясининг заифлиги уни Россияда тарихан шаклланмаганлиги билан изоҳланарди. Бу эса партия аппаратида ҳокимият ва бошқарувни ижтимоий-негиз-халқдан ажратиб олишига олиб келди. Партия ва давлат аппаратининг суд ишлари-ҳукм чиқариш, ижро этиш кабиларга муттасил аралашуви кузатилди. Айниқса, сиёсий ишлар бўйича чиқариладиган ҳукмларнинг моҳияти аввалдан тайёрланиб, белгилаб қўйилди.

Сталинга альбомнинг алоҳида саҳифаларда баён қилинган ишлар кўриб чиқиш учун тақдим этиларди. Ҳар бир иш (дело)нинг остида учта фамилия бўлиб, имзо қўйилмасди –Ульрих Ежов, Вишинский. Агар Сталин биронта фамилиянинг рўпарасига «1» рақамини ёзса, бу отувни, «2» рақамини ёзса- 10 йил қамокни англатарди. Сталин рақамламаган фамилияларга Ульрих, Ежов ва Вишинскийлар ўз хоҳишларига кўра жазо белгилашарди.

Совет жамияти 30-йилларда фуқаролик жамияти, давлат эса ҳуқуқий давлат бўла олмас эди. Умумий қонунбузарликларга йўл қўйилаётган 1936 йили СССРнинг Асосий қонуни-Конституция қабул қилинди. Унда ёзишмалар махфийлиги, шахс даҳлсизлиги кабилар совет кишиларини масхаралагандек ёзиб қўйилган эди. Мамлакатда эса шафқатсиз қатағонлик машинаси ишлаб турар, оммавий ҳибсга олишлар, қатл этишлар авж олганди.

Ушбу конституцияда одил судловни судлар амалга оширади, судьялар мустақил, улар фақат қонунларга бўйсундилар, деган демократик тамойиллар ёзиб қўйилган эди. Айни пайтда судга бўйсунмайдиган Конституцияга зид келувчи фаолиятни амалга оширувчи суддан ташқари идоралар тизими - ОГПУ ҳузуридаги махсус мажлис, турли «учлик»лар, «иккилик»лар одил судловни «рўёбга» чиқарарди.

1934 йил 1 декабрь куни СССР МИК нинг террорчи ташкилотлар ва террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги суриштирув-тергов ишларни 10 кунлик муддатда кўриб чиқиш ҳамда ишларни судда ҳимоя ва

айбловчиларсиз кўрилишини, ҳукмнинг ижросига ҳукм ўқиб эшиттирилгандан сўнг дарҳол амалга оширишни назарда тутган қарори чиқарилди. Ушбу қарорнинг чиқарилиши 1934 йил 1 декабрь куни Смольнийда Ленинград партия ташкилотнинг раҳбари, ВКП (б) МК Сиёсий бюросининг аъзоси, 48 ёшли С.М. Кировнинг ўлдирилиши билан боғлиқдир, деб фараз қилиш мумкин. Чунки 1934 йили ВКП(б)нинг XVII съездида партиянинг Марказий Комитетига сайловлар ўтказилди. Унда С.М. Киров Сталинга нисбатан кўп овоз олди. Съезднинг 1966 делегатидан 1108 таси ҳибсга олинди. МК аъзолари ва аъзоликка номзодлардан 138 таси 98 киши қатағон қилинди.

Кейинчалик аниқланишича, Киров Ленинградлик террорчи ва троцкийчи-зинонъевчи марказ томонидан ўлдирилди, деган хабарлар чиқди. Бу эса Кировнинг ўлдирилиши Сталинга ўзи ёқтирмаган шахслардан ўч олишга баҳона бўлди.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг характери миллатлар ва элатларнинг ўзаро муносабатларига ҳам таъсир қилди. Федерация номи остида 30-йилларда қатъий марказлашган давлат ташкил топди. Мамлакат миллий структураси ҳам сохталаштирди. 1936 йилги Конституция лойиҳаси тўғрисида қилган маърузасида Сталин мамлакатда 60 миллат яшайди, деб айтди, ҳолбуки миллатлар сони икки баравар кўп эди. Агар 1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш мобайнида 194 миллат борлиги фараз қилинган бўлишса, 1939 йилги рўйхатга олишда 100 дан кам миллат кўрсатишди. Кўплаб миллатларнинг, айниқса, кам сонли миллатларнинг мавжудлиги инкор этилди. Миллий ишлар бўйича халқ комиссарлиги 20-йиллардаёқ тугатилган эди. 1936 йилга келиб СССР Олий Совети таркибида тузилган Миллатлар Совети таркибида тузилган Миллатлар Совети муайян миллий масалалар билан кам шуғуланарди.

1936 йилга келиб миллий-маъмурий бўлинишнинг миллий районлар ва миллий қишлоқ Советлари каби шакллари йўқ қилинди. Ушбу бўлинмалар миллатлар она тилида мактаб таълими ва маданий-маърифий

фаолиятини амалга ошириш учун шарт-шароритлар яратиш ишларини олиб боришарди.

Фан соҳасида ҳам шундай ҳоллар юз бераётган эди. Урушдан ва инқилобдан кейинги йилларда мамлакатнинг янги ва инқилобгача мавжуд бўлган илмий хизматлари миллий муаммолар билан шуғулланган бўлса, 30-йилларга келиб бундай хизматлар ёпиб қўйилди.

Олий ҳокимият идоралари ўз фармойишлари ва йўриқномаларини чиқаришда миллатнинг ўзига хос жиҳатлари—географик ўрни, иқлимий шароитлари, миллий руҳиятининг хусусиятлари кабиларни назарга илмас эди. Масалан Чечен-Ингушетия деҳқонлари жамоалаштириш тўғрисидаги кўрсатмаларни инкор қилишди. Бунинг боиси колхозларга муносабатда эмас, балки тоғли туманларда аҳолини кўчманчи чорвачилик билан шуғулланиши ва кўпчилик бўлиб турғун яшамаслиги эди. Бу туманларда якка хўжаликлар совет идоралари томонидан эскилик сарқити деб кўрилди. Чеченлар ва ингушларнинг дастлабки чиқишлари 1930-1932 йилларга тўғри келди. Улар партия ва Совет ходимларини ўлдиришар, чорвани ҳайдаб кетишарди.

Шимолий Кавказнинг кўп миллатли ҳудудидаги вазият 30-йилларда жуда кескин эди. Бу маъмурий-буйруқбозлик тизимининг миллат иқтисодиётига унинг хусусиятларни эътиборга олмасдан, миллий анъаналар ҳамда эҳтиёжларга ҳурмат кўрсатмасдан, миллий онгни шикастлаган ҳолда аралашувининг биргина мисолидир.

«Миллатларнинг уйғунлашуви» сиёсатини ўтказиш миллатлараро низоларнинг янги ва янги муаммоларни келтириб чиқарди.

Мулкдан, ҳокимиятдан, бошқарувдан маҳрум қилинган инсон ҳуқуқий жиҳатдан шахс бўлиши мумкин эмас эди. Шахс ҳуқуқлар синфий, гуруҳ ва партия—бюрократик манфаатлари билан алмаштирилди. Партия-давлат бюрократияси борган сари синф, тоифа тусини ола бошлади. Инсон ҳуқуқий муҳофазага кафолат бера олмасди. Мактаб ўқувчиларни «халқ душманлари»га нисатан муросасизлик руҳида тарбияларди. Кўпинча ўқувчининг отаси, онаси, қатағонлик онги, тафаккури шакллантирилди-

фуқаролар «халқ душманини» топишга самимий ёрдам беришар, у эса барча раҳбарлик бўғинлари томонидан рағбатлантирилди. Маъмурий-буйруқозлик ва партия - давлат тизими «эркин шахс» бушунчаси қамраб оладиган мустақил фикрлар, эркинлик, ўзига хослик, ташаббускорлик, танқидий муносабат, ижодий фикрлаш каби жиҳатларни йўқ қилиб берарди. Инсонлар оддий ижрочи, «ўртамиёна индивид»га айлана боришди.

Тоталитар тузум шахснинг ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб борар, инсоннинг ички дунёсини ҳам назорат қилишга уринарди. Бунга қаршилик кўрсатиш мушкул эди. Қаршилик кўрсатганларни қатағонлик кутарди.

Диктаторлик режимига қаршилик жамиятининг барча қатламларида-олимлар, ёзувчилар, давлат ва жамият арбоблари, ҳарбийлар, ишчилар, колхозчилар ўртасида кузатиладди.

Ноқонуний ҳибслар ўтказилишига рухсат бермаган 74 ҳарбий прокурор репрессияга дучор қилинди. Репрессия қурбонлари ичида шу тизимни яратганлар, унинг тарафдорлари ҳам бор эди. 1917-1934 йилларда Сиёсий бюронинг 32 аъзосидан 75 %и қатағон қилинди. 30-йиллар ўрталарида Қизил Армия олий қўмондонлик таркибидан:

- беш маршалдан учтаси;
- беш I ранг армия қўмондонидан 3 таси;
- ўн II ранг армия қўмондонидан 10 таси;
- 57 корпус қўмондонидан 50 таси;
- 186 дивизия қўмондонидан 154 таси;
- 16 та I ва II армия комиссаридан 16 таси;
- 26 корпус комиссаридан 25 таси;
- 64 дивизия комиссаридан 58таси;
- 456 полковникдан 401 таси қатағон қилинди, отиб ташланди.

Тухачевский, Якир, Гамарник ва бошқалар армиянинг эскича тартибига қарши чиқишиб, янги шароитларда армия механизациялаштирилган бўлиши кераклиги, армияни танклар билан кучайтириш ва кавалерия харажатларини пасайтириш тўғрисида фикр билдиришди. Тухачевский бошчилигидаги

“саккизлар фитнаси” Ватанга хиёнатда айбланиб, катагон қилинди. Суд жараёни бир кунда бўлиб ўтди. Уларнинг барчаси отиб ташланди. Улар ортидан минглаб ҳарбий хизматчилар катагонга дуч бўлди. 30-йилларда партия ичида мавжуд бўлган мухолифат тугатилди.

1936 йили “Троцкийчи-зиновьевчи террористик марказ” иши бўйича 16 киши, шу жумладан Зиновьев, Каменевлар отиб ташланди. Ушбу биринчи Москва суд жараёнида А.Д.Троцкий ўлимга маҳкум қилинди. Айти пайтда барча лагерларда троцкийчи деб ҳисобланган маҳбуслар қатл этилди. 1940 йил августида Рамон Меркадер томонидан ўлдирилди. Меркадер ҳибсга олиниб, 20 йил озодликдан маҳрум этилди. Кейнчалик унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

1936 йили ҳибсга олинишдан кўрқиб, ВЦСПС раиси М.Томский, 1937 йил сиёсий бюро аъзоси С.Оржоникидзелар ўз жонларига қасд қилишди. Шу йили II Москва жараёни ҳукмига кўра Г.Пятаков, Л.Серебряков ва бошқалар жосуслик ва советларга қарши фаолият юритишда айбланиб отиб ташланди. 1938 йилги III Москва жараёни ҳукмига кўра Бухарин ва 29 киши катагон қилинди.

Бухарин ва Риковдан сўнг учинчи бўлиб бу жараёнда ИИХК комиссари, I Москва жараёни ташкилотчиси Г.Ягода катагон бўлди. 1940 йили унинг ўрнига тайинланган Ежов отиб ташланди. Фақатгина Берия СССР ички ишлар халқ комиссари (ИИХК) лавозимида Сталин ўлимидан кейин ҳам бироз ишлади.

СССР ҳудудида яшаётган Германия, Венгрия, Польша компартияларининг арбоблари ҳам катагон қилинди.

Халқ душмани тамғаси «ўзиникилар» ва «бегоналар»га, танишлар ва қариндошларга, саводсиз мужиклар ва академикларга осилди. Репрессиялар ёрдамида мамлакатда лагерь меҳнатидан улкан армияси тузилди. Улар бепул, текин ишчи кучи сифатида ишлатилди.

5-Мавзу: Шўролар давлати 1940-йилларнинг иккинчи ярмидан 1960-йилларгача бўлган даврда.

РЕЖА:

1. Тоталитаризмнинг кучайиши
2. ССЖИ II-жаҳон урушидан кейинги йилларда
3. И.В. Сталиннинг вафот этиши. КПССнинг XX съезди.
4. 50-60 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт. «Илиқлик» даври.

Адабиётлар.

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998 й.
2. Совет жамияти тарихи саҳифалари. Т., 1991 й.
3. Никита Сергеевич Хрушев; Материалы к биографии. М., 1989 г.
4. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Т., 2000.

XX аср 40-йилларининг иккинчи ярмида Совет Иттифоқи урушда эришилган буюк ғалабадан сўнг тинч ҳаётга қайта бошлади. Бу давр тикланиш даври бўлиб, олдинда турган қийинчиликлар бошдан ўтган уруш машаққатлари олдида арзимас туюларди. 1710 шаҳар ва шаҳар типидagi поселка, 70 минг қишлоқ, 32 минг саноат корхонаси, 65 минг км темир йўл, 13 минг темир йўл кўприги, 400 та станция, 1135 та шахта, 16 мингта паравоз, 428 минг вагон, 60 та йирик ГЭС, 40 минг касалхона, 43 минг кутубхона, 84 мингта мактаб, техникум, ОЎЮ ва илмий-тадқиқот муассасаси, 8 мингдан зиёд дарё ва денгиз кемалари йўқ қилинган ёки Германияга олиб кетилган, юз минглаб дастгоҳ ва машиналар, таланган ва вайрон қилинган 98 минг колхоз, 1876 совхоз, 2890 МТС, 49 минг комбайн, сўйилган ёки олиб кетилган 7 млн от, 17 млн йирик шохли қорамол, 47 млн қўй, эчки ва чўчка, 110 млн уйпаррандаси, душман эгаллаган ҳудудларда уй-жойсиз қолган 25 миллион одам - буларнинг ҳаммаси уруш етказган жароҳатлар, зиёнлар эди. Сталинград, Воронеж, Севастополь, Смоленск, Минск, Новгород, Вязьма каби шаҳарлар вайрон

қилинган, Ленинград, Киев, Одесса, Керчь ва бошқа шаҳарлар ярим вайронага айлантирилган эди. Уруш мобайнида мамлакат миллий бойлигининг учдан бири йўқ қилинди. Урушда 27 миллионга яқин одам ҳалок бўлди. Миллионлаб болалар етим, аёллар бева, эркаклар ногирон бўлишди. Урушга жалб қилинганларнинг умумий сони 11 млн 365 мингни ташкил қилди.

Бу даврнинг асосий вазифаси энг қисқа муддатларда уруш жароҳатларини тузатиш, иқтисодиётни ҳарбий издан тинч ҳаётга ўтказиш, армия сафарларида демобилизация (армия сафидан бўшатиш)ни амалга оширишдан иборат эди.

Тинч ҳаётга қайта бошлаган одамлар ғолиб мамлакат фуқароси сифатида мамлакатда бундан буён ўзгаришлар, ислохотлар бўлади, деб умид қилишарди. Ишчилар ишга йигирма минутга кеч қолганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қаҳрли қонунни бекор қилинишини, колхозчилар эса ўз томорқаларида кўпроқ ишлаш имконияти берилиши ва колхозларни бекор қилинишини орзу қилишди. Зиёлилар қатлами эса эндиликда эркин ижодга йўл очилиши, мафкурадан холи бўлган илмий, адабий мунозаралар олиб борилиши мумкин бўлишини ўйлатарди. 30-йилларнинг ўртаси ва иккинчи ярмида ГУЛАГ тизимидаги лагерларга қамалган шахслар озод бўлишдан умид қилишарди. Совет кишилари урушдан кейинги даврда ғолиб халқ учун сиёсий ва мафкуравий чекловларга эҳтиёж қолмайди, деб ишонардилар.

Бироқ тоталитар режим ён бергиси келмасди. Режим халқдан жамоалаштиришда, саноатлаштиришда йўл қўйилган хатоларнинг қонунсизликларнинг ва 1941 йилги йирик ҳарбий мағлубиятларнинг асл айбдорларини яшириши лозим эди. Урушдан ғолиб бўлиб қайтган, сиёсий ва мафкуравий жиҳатдан етилган фронтдошлар авлодининг «кунини кўрсатиб» қўйиш керак эди.

Уруш тугаганидан сўнг душман қўлида асир бўлиб қайтган, асирликдан қочиб, партизанлар отрядларида жанг қилган шахсларни оммавий равишда текшириш бошланди. Урушнинг дастлабки ойларидаёқ,

1941 йил 16 август куни душман кўлига асирликка тушган, қуршовда қолиб, асир олинган командирлар ва сиёсий ходимлар дезертир ҳисобланиши, уларнинг оилалари эса ҳибсга олиниши тўғрисида буйруқ чиқарилди. Асирга тушган қизил армиячи оддий аскарларнинг оила аъзолари эса давлат ёрдами ва нафақаларидан маҳрум қилинарди. Уруш шароитида бу буйруқ бедарак йўқолганларга ҳам таалукли ҳисобланарди. Бундан гитлерчилар ҳарбий асирларни ўз томонларига оғдиришда кенг фойдаланишган эди.

Ватанига қайтган собиқ ҳарбий асирларни шубҳа, ишончсизлик каби оғир синовлар, узундан узоқ терговлар кутар эди. Терговлар одатда лагерларга камаш тўғрисида ҳукм чиқаришлар билан якунланарди. 1950 йили фашистлар ҳарбий лагерида асирликда қатл этилди. Брест қалъаси мудофаасининг қаҳрамони, майор П.М.Гаврилов лагерга қамалди. Ишга кирувчи, уй-жой олиш учун навбатга турувчи каби одамларга уларнинг ўзлари ёки қариндошлари ҳарбий асирликда ёхуд душман эгаллаган ҳудудда бўлган-бўлмаганлиги тўғрисида савол киритилган анкета (сўровнома) тўлдириш мажбурий қилиб қўйилди. Миллионлаб совет кишилари шу тариқа гумон, шубҳа остига тушиб қолди.

Лекин ГУЛАГ таркибидаги лагерларда ҳам сталинча тузумга қаршилик кўрсатиб турилди. Лагерлардаги маҳбуслар кўзғолонлар кўтаришар, қочишга уринишар, лагерларда ўз ҳукмини ўтказмоқчи бўлган жиноятчи кимсаларга муносиб қаршилик қилишарди. Фронтчи ветеранлар 1948 йили Печора лагерларида, Салехард районида темир йўллар қурилишида кўзғолонлар кўтаришди.

Уруш йиллари жамиятнинг маънавий ва интеллектуал салоҳияти сезиларли намойиш қилишга улгурмаган миллионлаб ёш, навқирон йигит-қизлар фронтда, лагерларда ҳалок бўлдилар. Маъмурий-буйруқбозлик тузуми ҳукмрон бўлган шароитда, кадрларни танлаш номенклатура тамойилида амалга оширилган пайтларда ўз мартабаси, шахсий манфаати ва тор мақсадларини кўзлаган шахслар хизмат поғоналаридан кўтарила бошлашди. Уруш йиллари халқ бошига тушган

фожеадан ўз ҳамёнларини қаппайтириш пайига тушган шахслар товарларни яшириб қўйиб, чайқов бозори нарҳида сотиб, бойлик орттиришганда давлат ва партия идолари уларга нисбатан кескин чоралар кўришди. Бу билан мазкур идоралар одамлар кўз ўнгида адолатнинг юқори кафолати бўлиб кўринишди. Бу тузум тепасида Сталин, Молотов, Берия, Каганович, Жданов ва бошқа шахслар туради. Уруш йилларида уларга партиянинг ёш авлоди-Вознесенский, Маленков, Кузнецовлар қўшилишди.

Тоталитар режимнинг мустаҳкамланишида Сталин ва Берия раҳбарлик қилган репрессив (қатағон) идоралар алоҳида ўрин эгаллади. Кузатиш, пойлаш, таъқиб қилиш, чақимчилик, айғоқчилик каби усуллар кенг қўлланилди.

Урушдан кейин Сталин ҳарбийлар таъсирининг кучайишидан ҳавотир ола бошлади. К.К. Рокоссовский Польшага мудофаа вазири қилиб юборилди. Авиация маршали А.А. Новиков ҳибсга олинди, Г.К. Жуковга қарши суд жараёни тайёрлана бошланди. Бироқ Сталин Жуковнинг халқ орасидаги ва армиядаги обрўси кучлилигидан ҳайиқиб, бу жараённи тўхтатиб қўйди. Унинг Берияга «Жуков МКга қарши бормайди» деб айтган гапи етарли бўлди. Берия Жуковни тинч қўйди. Қисқа қилиб айтганда II жаҳон урушидан сўнг СССР олға қараб эмас, орқага, 30-йилларга қараб кетди. Генераллиссимус И.В. Сталин бошчилигидаги Компартия ўз фаолиятида репрессия ўтказувчи идораларга таяниб иш кўрди, мамлакатда даҳшат ва террор муҳитини яратди.

Мамлакатда уйдирма сиёсий жараёнлар тўлқини бўлиб ўтди. Булар орасида «Ленинград иши» ва «врачлар иши» айниқса шов-шувли бўлди. Фанинг барча соҳалари, маданият, ижтимоий ҳаёт қаттиқ назорат остига олинди. Адабиёт, музыка, тасвирий санъат соҳасида тартиб ўрнатиш тўғрисида ВКП (б) МК бир катор қарорлар қабул қилди. Табиий фанлар намоёндалари аввалига мафкуравий сиқувга олинди, сўнгра қатағонларга дучор қилинишди. Кибернетика, квант назарияси, генетика «буржуача сохта фанлар» деб эълон қилинди. Тарих **«ВКП (б) тарихи қисқа**

курси»нинг тўлиқ таъсири остида бўлиб, мавжуд тузумни ёқлаб, фаолият юритиши керак эди. Иван Грозний илгор тарихий шахс, опричнина террори эса-муқаррар қўлланиши лозим бўлган, Грозний даврига мос усул деб кўрсатилди. Кавказ халқлари мустақиллиги учун курашнинг атоқли арбоби Шомил инглизларга пулга ёлланган агент деб номланди. Улуғ француз буржуа инқилоби даврида яacobинчилар қўллаган террор олқишилди. Ўзбек, қозоқ, қирғиз, Озарбайжон, Догистон, Ёкутистон халқларининг қадимий эпик асарлари «реакцион» асарлар сирасига киритилди. Зарур талқинга тушмайдиган тарихий исмлар, воқеалар, жараёнлар, даврлар тушириб қолдирилди.

1946 йилнинг март ойида СССР ХКСни ССР Министрлар Советига айлантириш тўғрисида қонун қабул қилинди. Министрликлар сони ортди. Бошқарув аппарати кенгайиб борди. Кўплаб министрликлар ходимлари учун кийим-бош-форма жорий қилинди. Нафақат милиционер ва ҳарбийлар, балки суд, прокуратура, ходимлари, дипломатларга форма берилди. Педагоглар. ФА ходимлари учун ҳам махсус кийим фасонлари назарда тутилган эди.

СССР таркибига уруш арафасида кирган мингтақаларда ҳам тоталитар режим маҳаллий хусусиятларни, миллий жиҳатларни эътиборга олмасдан ўз позицияларини мустаҳкамлашга интилди. Иқтисодий тараққиёт йўли 1946 йилнинг февраль-мартида Сталин томонидан танланди: Социализм қурилишини якунлаш ва коммунизмга ўтиш. Унинг фикрича бу вазифани бажаришга уруш ҳалакит берди. “Коммунизмга ўтиш, учун, деган эди Сталин, йилига чўян ишлаб чиқаришни 50 млн тоннага, пўлатни –60 млн тоннага, нефтни-60 млн тоннага, кўмирни 500 млн тоннага етказиш кифоядир”.

1946-1950 йилларни ўз ичига олган ва «тикланиш беш йиллиги» деб номланган режада саноатни, энг аввало оғир саноатни янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. 40-йилларнинг иккинчи ярмидаги тикланишнинг фуқаролар урушидан кейинги тикланиш жараёнидан асосий фарқли томони ҳам шунда эди.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда мамлакат қийин шароитларда яшаган эди. Ҳарбий даврнинг айрим чекловларигина бекор қилинди. 8-соатлик иш куни, йиллик меҳнат таътиллари тикланди, иш вақтидан ташқари ишлар бажариш бекор бўлди. Бироқ маъмурий-буйруқбозлик режими қўшимча ҳаражатлар, сармояларсиз юқори ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришишни манфаатли деб, ҳисобларди. Режани бажармаслик саботаж, зараркунандалик деб баҳоланди. Ишдан ташқари ишлаш, «штурм» усули кабилар авж олди. 1950 йили 4-бешйиллик муддатидан олдин бажарилди, деб эълон қилинди, бироқ репарациялар ҳамда Совет-шарқий Германия қўшма корхоналарининг кўрсаткичлари киритилганлиги ҳақида лом-лим дейилмади. Корхоналар раҳбарлари режани бажармаганлик учун жазоланишдан чўчиб, қўшиб ёзишлар, ҳисоботни нотўғри тўлдириш, кўзбўямачиликларга йўл қўйишарди. Шунингдек ГУЛАГ тизимидаги лагерлардаги миллионлаб маҳбусларнинг текин, мажбурий меҳнати ҳам борлигини унутмаслик керак. Бунинг устига 1952 йили Сталин «СССРда социализмнинг иқтисодий муаммолари» дегани асарида муаллиф *социализмда аҳолининг ўсиб боровчи эҳтиёжлари ишлаб чиқариш имкониятларидан доимо илгарилаб кетади*, деган иқтисодий «қонун» ишлаб чиқилди. Бу «қонун» «камёб, нодир» иқтисодиётни оқлаб қўйди. қишлоқ хўжалигида деҳқонлар хонуз паспортсиз эдилар. Вақтинчалик меҳнатга яроқсизлик учун нафақа тўланмасди, пенсия таъминоти уларга таалукли эмас эди.

1947 йил декабрида пул ислоҳоти ўтказилиб, карточка тизими бекор қилинди. Айни пайтда озиқ-овқатлар нархи оширилди. Давлатининг ички заёмига ёзилиш ихтиёрий-мажбурий эди. Магазинларда навбатлар йўқлиги нархлар баландлиги ва иш ҳақининг озлиги билан ҳамда эҳтиёжлар ўсишига тўсқинлик қилувчи ҳаёт тарзи билан изоҳланарди.

1952 йилининг октябрида ВКП(б)нинг номини КПСС деб қайта номлаган XIX съезд бўлиб ўтди. 13 йилдан буён чақирилмаганлиги бу съезд сиёсий воқеа сифатида талқин этилди. Саломатлигидан шикоят қилган Сталин ўрнига ҳисобот маърузаси билан Г.М. Маленков сўзга

чикди. Партия Низомидаги ўзгаришлар тўғрисидаги докладни Н.С.Хрушев ўқиди. Сталин халқаро масалаларга бағишланган сўнг сўз билангина чикди.

Съезддан сўнг Сталин репрессияларнинг янги босқичини тайёрлаётганлиги маълум бўлди. Лекин унинг бетоблиги кенг кўламли катагонлар ўтказишга ҳалал берди.

1953 йил январида Сталинни машҳур терапевт-врач профессор В.Н.Виноградов текшириб кўриб, уни ётиб даволаниши зарурлиги тўғрисида ҳулосага келди. Берия бу ҳулосани Сталинга етказди. Унинг жаҳли чиқиб, врачни “халқаро сионистик ташкилотнинг аъзоси” деб атаб, чора кўрилишини талаб қилди. Профессор Виноградов ва бир қатор кўзга кўринган тиббий мутахассислар ҳибсга олиниб, халқаро сионистик ташкилотнинг агентлари деб, эълон қилинди. Шу тариқа «врачлар иши» юзага келди.

Сталин 1953 йил 5 март куни 74 ёшда вафот этди. Унинг вафоти билан шахсга сиғинишнинг бутун бир даври якунланди. Станлик шахсини илохийлаштириш миллионлаб одамлар онгига сингиб кетган эди. Унинг вафоти ҳақидаги хабарни эшитган Совет кишилари бундан буён қандай яшашлари ҳақида ўйлана бошлашди. Москвага, Сталинни дафн маросимига ҳар томондан одамлар оқиб кела бошладилар.

Сталиннинг жасади Мавзолейга, Ленин ёнига қўйилди.

6-Мавзу: Шўролар давлати 60-йилларнинг иккинчи ярми 1990-йилларгача бўлган даврда.

РЕЖА:

1. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг кечиши ва зиддиятлари.
2. Сиёсий ва маънавий ҳаётнинг хусусиятлари
3. Ташқи сиёсатнинг асосий ўналишлари
4. Шўролар давлати 80-йилларнинг иккинчи ярмида. СССРнинг парчаланиши ва МДХнинг ташкил топиши.

Адабиётлар.

- 1.Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.. 1998 й.
- 2.Совет жамияти тарихи саҳифалари. Фактлар. Муаммолар. Одамлар. Т., 1991 й.
- 3.Левитин Леонид. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. Т., 2001 й.
- 4.Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи.
Т.. 2000 й.
- 5.Урок дает история. М., 1989 г.
6. Возвращение к правде. В 2-выпусках. М., 1988 г.

1964 йил октябрь пленумида ички партиявий тўнтариш амалга оширилди. Н.С.Хрушев барча лавозимларидан бўшатилади ва ҳокимият тепасига янги раҳбарият келди: Марказий Комитетнинг биринчи котиби этиб Л.И.Брежнев, Министр Советининг раислигига А.Н.Косигин тайинланди. Н.В.Подборний кадрлар бўйича, М.А.Суслов мафкура, Н.А.Шелепин партия назорати бўйича лавозимларга тайинланди. Л.И.Брежнев 1966 йили қайта тикланган Бош секретарь лавозимига сайланиб, коллегия раҳбарликнинг лидерига айланди. Совет тузумининг бу даври кейинчалик *турғунлик* даври деб аталди.

А.Н.Косигин бозор иқтисодиётига асосланган радикал ислохотлар тарафдори эди. 60-йилларнинг II-ярмида ўтказилган иқтисодий ислохотлар

унинг номи билан боғлиқ бўлди. 1965 йил март пленуми шундай ислохотларнинг бошланишига йўл очди. Пленум кўрсатмалари амал қилган дастлабки пайтларда ўйланган тадбирлар муайян натижалар берди. Қишлоқ хўжалигини бошқариш механизми ўзгартирилиб, колхозчиларнинг моддий манфаатдорлиги оширилди. Давлатга мажбуран топшириладиган маҳсулотлар режаси камайтирилиб, 10 йил мобайнида ўзгармаслиги, режадан ортиқ топширилган маҳсулот учун юқори нархлар белгиланиши, шахсий томорқалардан фойдаланишдаги чекловлар олиб ташланиши эълон қилинди. Колхозчиларга ҳар ойда маош тўланиши жорий қилиниб, уларга пенсия олиш ва ижтимоий суғурта ҳуқуқи берилди. Ислохотларнинг чуқурлашуви учун МКнинг 1965 йил сентябрь пленуми муҳим аҳамият касб этди. Бунда саноатдаги режалаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги тизими ҳақида қарор қабул қилинди. Ялпи маҳсулот режали кўрсаткичларнинг асосийси сифатида бекор қилиниб, маҳсулот реализацияси ҳажми билан алмаштирилди. Корхоналар хўжалик ҳисобига ўтказилди, шундай тизимга ўтказилган корхоналар тасарруфида даромаднинг катта қисми қолдирилди, Хрушев даврида ташкил қилинган халқ хўжалиги кенгашлари (совнархозлар) тугатилиб, ишлаб чиқаришни бошқаришда тармоқли тизимга қайтилди.

Иқтисодчилар саккизинчи беш йилликни “олтин” беш йиллик деб атайдилар. 1966-1970 йиллар даври кейинги 30 йилдаги энг яхши давр, деб таъкидланди. Шу билан бирга ўша йиллари йирик кўламли муаммоларни, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги туб масалаларини аниқлаш ва ўртага қўйишда кўп иш қилинди. Интенсивлаштириш, самарали хўжалик юритиш вазифаси илгари сурилди. Ўша пайтлари кўтарилган масалалардан бири-фан-техника инқилобини ютуқларини социализм афзалликлари билан узвий боғлаш масаласи эди. Бу масала ўз ечимини топмаслиги олдиндан маълум эди.

Бироқ 1966-1967 йиллардаёқ изчиллик билан амалга оширилмаган, чала-чула ўтказилган ислохотларнинг сўнгги кўриниши 1969 йили колхозларнинг намунавий Уставини қабул қилиниши бўлди. Ушбу Устав колхозларнинг мустақиллигини бирмунча кенгайтирди ва колхозларнинг

томорқа хўжалигига бўлган ҳуқуқини расмийлаштирди. 70-йилларнинг бошига келиб батафсил режага асосланган қатъий маъмурий-буйруқбозлик тизимига қайтилди. Ялпи кўрсаткичлар яна етакчи ўринга чиқарилди. 1979 йили мамлакатдаги иқтисодий вазият кескинлашгач, ҳукумат яна хўжалик ҳисоби ва ислохотларга қайтиб иш кўрди. Лекин бу маъмурий-буйруқбозлик тизимини бартараф этиш йўлидаги сўнгги муваффақиятсиз уриниш бўлди.

60-80 йилларда ССЖИнинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари муттасил равишда пасайиб борди. 1970 - йилларга келиб бу жараён тезлашди. Қўшимча моддий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳисобига хўжаликларни экстенсив ривожлантириш имкониятларидан қарийб фойдаланиб бўлинди. Бунинг ўрнига техникавий тараққиёт ва юқори меҳнат самарадорлигига эришиш усуллари, интенсификация қўлланиши зарур эди. Мамлакатда бюрократик аппарат янада кенгайди, кўшиб ёзишлар, режа кўрсаткичларини бузиб кўрсатишлар авж олди, хом ашё ва энергетик ресурслар ҳажми қисқартириб, меҳнатга ҳақ тўлашда тенглаштириш (бараварлаштириш) усули қўлланилди. Бу эса малакали меҳнат нуфузини пасайтирди.

80-йилларнинг ўрталарига келганда 50 миллиондан зиёд киши қўл меҳнати билан банд эди. Тугалланмаган қурилишларнинг мисли кўринмаган кўлами мамлакатга оғир юк бўлди. Шу тариқа турғунлик, тўхтаб қолиш ҳоллари кўпайди. Вазият “аср қурилишлари” деб аталган қурилишлар-ВАЗ, КАМАЗ, БАМ сингари лойиҳалар туфайли, Ноқоратупроқни, Сибирни ўзлаштириш, шимол дарёлари ўзанини жанубга буриш каби маҳобатли дастурлар туфайли баттар оғирлашди. Аҳоли сонининг ўсиши (1985 йили-280 млн), шаҳар аҳолисининг ҳиссасининг ортиши (63%) муаммолар миқёсини кўрсатиб турарди.